БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 282 (18.160). ● 6 декабрь 1981 йил, якшанба Баҳоси 2 тийин.

СССР 60

⊙ МОСКВА ОСТОНАЛАРИДАГИ ҒАЛАБА ШАРАФИГА УТКАЗИЛГАН ШАНБАЛИКДА МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БИРДАМЛИГИ

⊙ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

⊙ РЕСПУБЛИКАМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИ КЕЛГУСИ ЙИЛ МЎЛ ҲОСИЛИГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДАЛАР.

Тошкент область Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг чорвадорлари чорва маҳсулотларини кўпайтириш ва аҳолига кўплаб гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш борасида қизғин меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, хўжаликнинг сут-товар фермаси коллективи бу ишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Сигир соғувчилар ўзаро социалистик мусобақага кўшилиб, сигирлардан кўпроқ серқаймоқ сут соғиб олиш учун курашмоқдалар. Фермaнинг илғор сут соғувчиси Х. Эргашева бу йил ҳар бош сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган эди. Ҳозир у ана шу юксак маррани эгаллаш арафасида турибди. Суратда: Х. Эргашева.

А. Тўраев фотоси.

ОҚШОМ ЯНГИЛИКЛАРИ

СЎНГГИ СОАТДА...

МАДРИД УЧРАШУВИДА

МАДРИД. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг Мадрид учрашуви ялпи мажлисида Совет делегациясининг раҳбари, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев нутқ сўзлади.

Совет делегати Мадрид учрашувининг барча қатнашчиларини сиёсий ирода ва реализм намуналарини кўрсатишга, учрашувни шу йил декабрида муваффақиятли тугаллаш учун қўшимча куч-ғайратлар сарфлашга чақирди.

Тинчлик ва кескинликни юмшатиш ишидек шу қадар муҳим масалада вақтинчалик ташвиқотчилик мулоҳазаларини кўзламасдан, балки Европада ва бошқа қитъаларда ҳам тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг ҳаётий манфаатларига амал қилмоқ керак. Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш юзасидан конференция чақириш хусусида бир фикрга келиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитлар борлигига бизнинг ишончимиз комил. Ҳозир фақат битта иш қилиш — бир ёқлама ҳарбий устунликлар олиш умидидан қайтиш ва якунловчи актнинг тегишли қондалари, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципи асосида ўзаро мақбул ахдномаларга эришиш йўлларини қидириш керак.

НОРВЕГИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

ОСЛО. Бу ерда Норвегия Коммунистик партиясининг XVII съезди очияпти. Съезд ишида салкам 120 делегат, съезд меҳмонлари қатнашмоқдалар. Қардош партияларнинг вакиллари орасида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно бошчилигидаги КПСС делегацияси бор.

Партиянинг 1978 йилда бўлиб ўтган XVI съездидан кейинги даврдаги сиёсий ҳисоботи юзасидан Норвегия Компартиясининг Раиси М. Г. Кнутсен доклад қилди.

ОҚИЛОНА ОГОҲЛАНТИРИШ

НЬЮ-ЙОРК. Вашингтоннинг Совет Иттифоқи билан савдосотиқни тўхтатишга қаратилган сиёсати, бу йўлга камситувчи тўсиқлар қўйиши айланиб келиб пировард оқибатда Қўшма Штатларнинг ўз манфаатларига муқаррар зарба уради. АҚШдаги «Рэнд корпорейшн» деб аталган мўътабар тадқиқотчилик ташкилоти маъмуриятнинг Америка-Совет савдо-иқтисодий муносабатлари соҳасидаги сиёсатини таҳлил этиб, мана шу хулосага келди.

ПЕКИН АГЕНТЛАР ЮБОРМОҚДА

ЖАКАРТА. Индонезия бош прокурори Исмоил Солиқнинг парламентда айтган гапига қараганда ғайриқонуний йўл билан шу мамлакатга кириб олган хитойликларни жойлаштириш учун ҳукумат алоҳида орол ажратишига тўғри келмоқда.

Кейинги вақтларда Пекин Жануби-Шарқий Осиё давлатларига ўз агентларини қўллаб юбора бошлади. Чунончи, ҳозир Индонезиянинг суд органлари қалбаки ҳужжатлар билан мамлакатга сукулиб кирган 1500 га яқин Хитой гражданининг ишини кўриб чиқмоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг матбуоти Хитойнинг махсус мақсадлари регионга ўз агентларини жойлаштириб олиш учун «қочоқлар» оқимини уюштирганини неча марталаб уқтириб ёзди.

АРАБ ХАЛҚЛАРИГА ТАҲЛИКА

БАЙРУТ. Фаластин қаршилик ҳаракатининг раҳбарлари Вашингтон билан Тель-Авив ўртасида «стратегик ҳамкорлик» тўғрисида тузилган битимни кескин қораладилар. Қаршилик ҳаракати расмий вакилининг бу ерда тарқатилган баёнотида уқтириб ўтилишича, бу битим қандай ёлғон шиорлар билан пардаланмасин, региондаги барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳлика солади. (ТАСС).

УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИНГ ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИНИ

Умумхалқ социалистик мусобақаси ижтимоий бойликларни кўпайтиришнинг шундай бир резервидирки, бу капитал маблағлар сарфлашни талаб қилмайди-ю, аммо катта, тез ва юқори самара беради. Социалистик мусобақа иқтисодий, маданий ва социал ривожланишни таъмин этувчи муҳим восита, совет халқлари дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро амалий ёрдамининг нуфузли омилидир. Иқтисод ва тежамкорлик, планлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши мусобақанинг асосий қисмини ташкил этади.

Республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 6 миллион тоннадан знёд «оқ олтин» етказиб бериб, юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Азамат механизаторларимиз машиналарда 4.000.000 тоннадан ортиқ пахта териб, ўз нормаларини шуҳратларга буркадилар. Бу — деҳқончилик маданиятининг юксалтирилиши, ҳар гектар ер, ҳар килограмм ўғит, ҳар қатра сувдан, ҳар бир машина ва механизм-агрегатдан оқилона фойдаланиб, ҳосилдорликни оширгш самараси. Бу улкан ғалабада мусобақадошларимиз Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР ва бошқа пахтакор республикалар олтинпазларининг ҳиссалари каттадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ғамхўрлиги туфайли республика колхоз ва совхозларида фан-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга дадил жорий этиляпти. Натижада меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик тобора кўтариляпти, маҳсулотлар етиштиришга сарфланаётган харажатлар камайяпти, таннарх арзонлашяпти. Даромад эса ортяпти. Хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланиб, меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда. Буларнинг ҳаммасига пахтачилик ва бошқа тармоқларда социалистик мусобақани кучайтириш йўли билан эришилаётир.

Фарғона областининг Ўзбекистон райони билан Тожикистон ССР Ленинобод областининг Хўжанд райони мусобақаси узоқ йиллардан буён давом эттириляпти. Бу ватанпарварлик ва интернационал дўстлик ташаббусини Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетлари мақтуллаган эди. Ҳар икки район партия комитетлари мусобақани янада кучайтириш, таъсир доирасини кенгайтириш, ишлоқларини таъминлаш чораларини кўряпти. Мусобақа шартларининг бажарилиши мунтазам текшириб борилмоқда. Ютуқ ва тажрибалар оммалаштирилиб, камчиликлар ҳамкорликда бартараф этиляпти. Бу йил Ўзбекистон райони 55 минг тонна пахта тайёрлаб, мажбуриятини шараф билан бажарди. Хўжанд районида ҳам анча ютуқларга эришилди. Ҳар икки районда бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш план ва мажбуриятлари ҳам шараф билан адо этилди.

Тошкент область, Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз билан Тожикистон ССР, Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ўзаро қардошларча мусобақа боғлаганларига 20 йилдан ошди. Колхоз правлениелари ва партия комитетлари мусобақага даҳлдор масалаларга ҳамиша диққат-эътибор билан қарайдилар. Расмиятчилик, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик ҳолларига мутлақо йўл қўймайдилар. Ҳосилдорликни оширгш, техника тараққиёти билан боғлиқ масалалар хусусида дўстона фикр алмашиб турадилар. Колхозчилар мусобақада ғолиб чиқиш учун астойдил ишлайдилар, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик қиладилар. Партия ташкилотлари фойдаланилмай ётган резервларни ишга тушириш хусусида ғамхўрлик қиладилар. Ҳар икки колхоз бу йилги мусобақа шартларини тўла ва ошириб бажарди. Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз давлатга 5 минг тонна, Ленин номли колхоз 9 минг тонна «оқ олтин» топширди.

Хоразм область, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз билан Туркманистон ССР, Тошовуз область Тахта районидаги Куйбишев номли колхоз меҳнаткашларининг мусобақаси айниқса яхши самаралар беряпти. Бу хўжаликларда мусобақа шарофати билан пахта ҳосилдорлиги 45 центнергача кўтарилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, социалистик мусобақа пахтачиликдагина эмас, балки, ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик-узумчилик ва бошқа тармоқларни ҳам комплекс тараққий эттириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда муҳим дастуриламалга айланди.

Бу йилги пахта йиғим-терими даврида механизаторлар мусобақаси айниқса кучайтирилди. Оилавий терим экипажларининг ташкил топиши яхши самаралар берди. Қашқадарёлик Норовлар ва Файзиевлар, жиззахлик Носировлар, қорақалпоғистонлик Бекчоновалар ва бошқа кўплаб оилавий терим экипажларининг аъзолари мавсумда машиналарда 1500—2000 тоннадан пахта териб халқ ҳурматига сазовор бўлдилар. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, СССР Олий Совети депутати Холмўмин Сафаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, чўлқувар бригадир-механизатор Холбуви Рустамова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффоҳ Солиев ва бошқа дарғалар механизаторлар мусобақасининг байроқдорлари бўлдилар. Теримчилар сафида ҳам кўпгина мусобақа ғолиблари етишиб чиқди.

Социалистик мусобақа чорвадорларимизни янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Улар озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва моллар туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулотлар миқдорини оширгш, сорти ва сифатини яхшилаш тошириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Қишловни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Мусобақа шарофати билан колхоз қишлоқлари, совхоз посёлкалари қайта қуриляпти, ободонлаштириляпти. Савдо, медицина, маданий-маиший корхоналар хизмати яхшиланяпти. Социалистик мусобақа кўп тармоқли халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзининг мисли кўрилмаган самараларини беряпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидаги илҳомбахш докладида: «Ҳозир, ўртоқлар, биз энг катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодирмиз. Аммо оддий ва шунчаки кундалик юмуш бўлиб кўринган иш — жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, ўзимизданги ҳамма нарсалардан тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳорати иқтисодий сиёсатнинг ўзаги бўлиб қолмоқда. Меҳнат коллективларининг ташаббуси, партиявий-оммавий иш мана шунга қаратилиши керак. Техника сиёсати ҳам, капитал маблағлар сиёсати ҳам, план, ҳисобот кўрсаткичлари системаси ҳам мана шунга қаратилмоғи лозим», деб кўрсатган эди.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари экономиканинг турли тармоқларида, хусусан пахтачиликда эришилаётган барча илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш ва давлатга тобора кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинаётган юксак мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида меҳнат коллективлари ўртасидаги, айрим пахтакорлар, механизаторлар ўртасидаги мусобақани тағин ҳам кучайтириш, унинг самарадорлигини оширгш чораларини кўришлари лозим. Бу — мамлакатимизда партиямиз илгари сурган озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришнинг ҳам муҳим омилидир.

МОСКВА, ЖАСОРАТИНГНИ ШАРАФЛАЙМИЗ!

СОВЕТ ҚИШИЛАРИ ПОЙТАХТ ДЕВОРЛАРИ ЕНИДАГИ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН НИШОНЛАМОҚДАЛАР

Совет кишилари шонли санани, тарихга абадий ёзилган Москва остоналарида немис-фашист қўшинлари тормор этилганлигининг 40 йиллигини беш йиллик зарбдор вахталарида юксак меҳнат зафарлари билан нишонламоқдалар.

5 декабрь куни пойтахт деворлари ёнидаги сўнмас жасоратга бағишланган шанбаликка Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, уларнинг фарзандлари ва набиралари бир саф бўлиб чиқдилар. Бу зарбдор меҳнат байрами совет кишиларининг Ленин партияси, унинг Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тезларигидаги меҳтиндек жипслиқнинг, партия, совет давлатининг меҳнат аҳли бахт-саодатини, планетада мустаҳкам тинчликни кўзловчи ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганлигининг янги яққол далили бўлди.

Ижорск заводининг металлургларидаги 1941-йилнинг декабрида миномёт стволлари ясаган стан бугун оширилган нагрузка билан ишлади. Бу даҳшатли қурол самолётларга ортилиб, қамалдаги Ленинграддан Москва ҳимоячиларига келтириларди.

Ҳозир агрегат мосламаларидан тинч маҳсулот — қувурлар тайёрланиб тушмоқда. Уруш йилларида прокатчилар сменасининг бошлиғи бўлиб ишлаган слесарь А. Мешчанинов бугунги смена бошланиши олдидан боболари ва оталари ғалаба металини қандай тоблаганликлари, урушдан сўнг ветеран-станни такомиллаштириб, янада кучли қилганликлари тўғрисида ўртоқларига гапириб берди.

Волгограддаги «Красний Октябрь» заводининг металлургари ҳам шанбаликни тезкор металл қуйиш билан нишонладилар. Завод ходимларининг кекса авлоди Москва бўсағаларидаги машҳур жанг кунлари ғалаба йўлида туну кун зарбдор вахтада турганди.

Фронтчи қаҳрамонларнинг ўғиллари ва набиралари завод кекса авлодининг шонли анъаналарини давом эттириб, беш йиллик зарбдор вахтасида турдилар. Заводнинг А. Самко раҳбарлигидаги энг яхши бригадаси металл эритиш муддатини ярим соат қисқартирди. Унинг печидаги пўлат қуювчилар ҳисобида пландан ташқари 200 тоннадан кўп пўлат — беш йиллик меҳнат жасоратининг метали бор.

Киевдаги 6-ТЭЦ қурувчилари шанбаликни тантанали митинг билан бошладилар. Зарбдор комсомол отряди улар билан бирга меҳнат қилди.

— Биз, собиқ фронтчилар Советлар мамлакатининг, бутун планетанинг ёшлари уруш даҳшатларини бошқа ҳеч қачон билмаслиги учун жанг қилдик ва ғалаба қозондик, — деди Улуғ Ватан урушининг ветерани, пайвандчилар бригадири П. Пономаренко.

Уруш оташларида ёнган афсонавий Кичик Ерда ҳозир оппоқ уй-жой микрорайони қад кўтармоқда. Бугун янги уй олганлардан минглаб кишилар территорияни ободонлаштиришда «Новороссийскморстрой» трестининг қурувчиларига ёрдам бердилар.

Бу ерда десантчи денгизчилар шарафига қурилган ёдгорлик теварагида кўкламда денгиз бўйи паркининг ёш ниҳоллари кўм-кўк бўлиб туради.

Шанбалик арафасида Минск автозаводининг ишчиси А. Алексеенко Белоруссия Давлат Улуғ Ватан уруши тарихи музейида сўзга чиқиб 1941 йилнинг 7 ноябри пойтахт Қизил майдонида ўзи қатнашган машҳур парад тўғрисида, фронт разведкачисининг машаққатли жанговар йўли ҳақида гапириб берди. Бугун эса у минглаб автомобилсозлар билан бирга Москва бўсағаларидаги бўюк жангнинг 40 йиллигига бағишланган меҳнат байрамига чиқди.

«С. Оржоникидзе номидаги Севастополь денгиз заводи» бирлашмасининг илғор слесари И. Зеленков шанба сменасини алоҳида ҳис-туйғулар билан бошлади. Унинг қўкрагида Ватаннинг бошқа мукофотлари билан бирга «Москва мудофааси учун» медали ҳам порлаб турибди. Ветеран фронтчилар зарбдор вахтага бошчилик қилдилар. 5 декабрда кемасозлар кучли сузувчи кранлар қуришда жуда яхши ишладилар.

Шанбалик кунида Қора денгиздаги «Герои — панфиловцы» теплоходи экипажининг аъзолари зарбдор вахта якунлари тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар. Улар ёқилғини тежаб-тергаб сарфлаш, пландан ташқари юк ташиш, ремонт қилиш ҳисобига 30 минг сўмга яқин пул тежадилар. Меҳнат рапортининг нусхаси кема музейига топширилди. Ватаннинг шавкатли ҳимоячилари номидаги кемалар флотилияси флагманининг экипажи шанбаликни жонажон порт — қаҳрамон шаҳар Одессадан олисда, океан рейсида ўтказди. Денгизчилар шу куни ишлаб топилган маблағни Тинчлик фондига ўтказдилар.

5 декабрдаги шанбаликда Брест вагон депосининг меҳнаткашлари олтита вагонни ремонтдан чиқардилар. Вагонлар шу куниёқ темирйўлчиларга топширилди ва улар беш йиллик учун ишлай бошлади.

Қамишбурун темир руда комбинатидаги сменалар ишчанлик билан ўтди. Тайф фусда ишчилар Москва бўсағаларидаги афсонавий жанг қатнашчилари бўлмиш ўртоқлари М. Дроздов ва Н. Великожонинг ҳикояларини тингладилар. Шундан сўнг яна зарбдор меҳнат қизиб кетди. Кечаги кўпгина корхоналарнинг меҳнаткашлари шанбаликда эришилган юксак иш унумини ҳар бир куннинг нормасига айлантирамиз, деб сўз бердилар.

(ТАСС).

ШОНЛИ ҒАЛАБАГА— МЕҲНАТ САЛЮТИ

Москва бўсағаларида немис-фашист қўшинлари тормор этилганлигининг қирқ йиллигини Тошкентнинг меҳнат аҳли зарбдор вахтада туриб нишонлади. 5 декабрь, ўша даҳшатли 1941 йилда совет қўшинлари кенг фронт бўйлаб қатъий қарши ҳужумга ўтиб, душманни пойтахт бўсағаларидан улоқтириб ташлаган кунда ярим миллиондан ортиқ тошкентлик Улуғ Ватан уруши тарихидаги ана шу шонли воқеа санасига бағишланган умумхалқ шанбалигида қатнашди.

Шу куни эрталаб В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Средазкабель» бирлашмасининг, «Ташсельмаш», Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводларининг, шаҳардаги бошқа корхоналарнинг цехларига ва қурилишларга Москва областининг далаларидаги жанглар олинган мукофотлар кўкракларини безаб турган кишилар ҳам ишчилар билан бирга келдилар. Улар пойтахт ҳимоячиларининг мислсиз қаҳрамонлиги тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар, ёшларни севикли Ватаннинг шон-шуҳрати ва қудратини меҳнат билан мустаҳкамлашга даъват этдилар. Корхоналарнинг ветеранлари фронт орқа томонининг фидокорона иши тўғрисида, уруш йилларида тошкентликлар душман устидан ғалаба қозонишга қандай ёрдам берганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Шу куни 140 минга яқин ишчи станок ва конвейерлар ёнида бўлди. Улар 8 миллион сўмликдан кўп ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ҳар ўнта маҳсулотдан бири шу кунгача тежалган ҳом ашёдан ясалди.

Шанбалик куни Тошкент қурилишларида 68 мингдан ортиқ киши 2 миллион сўмлик иш бажарди. Ўн мингдан ортиқ тошкентликлар жонажон шаҳарни ободонлаштириш билан шуғулландилар.

5 декабрь куни Ватан фаровонлиги йўлида шодиёна меҳнат байрами бўлди. Тошкентликлар шанбаликда ишлаб топилган маблағлар билан тинчлик ва беш йиллик фондларини тўлдирдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ЖИЗЗАХ, 5 декабрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Жиззах область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси ўн биринчи беш йилликда ва 1982 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини ҳамда областнинг 1982 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлади. 1981 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Депутатлар область ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Э. Исломов ҳисобот берди.

АҲДГА ВАФО

«Джизакоблколхозстрой» трестининг коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини мукосиб кутиб олиш учун мусобақада биринчи маррани қўлга киритди. Унинг ходимлари йиллик мажбуриятни бажардилар. Қишлоқ меҳнаткашлари учун 20 минг квадрат метр уй-жой, 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб, болалар комплекси қурилди, бир қанча чорвачилик бинолари фойдаланишга топширилди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида бинокорлар қўшимча мажбуриятларини ҳам адо этадилар. Йил охиригача улар яна бир ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилишган. Ҳозир трестда 225 илғор ишчи келаси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

ҚЎКЛАМГА ҲОЗИРЛИК

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари кўкламги экиш кампаниясига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдилар. Бу ерда 32 ҳайдов ва транспорт тракторлари, 40 та борона комплекси, сеялка, культиватор ва бошқа машина ва механизмлар тўла ремонтдан чиқарилди.

Хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтардилар. Ишдан бўшаган машина ва механизмлар дарҳол устахоналарга келтирилди. Ремонт билан банд бўлганлар учун яхши шароит яратилди — иссиқ овқат уюштирилди, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш амалга оширилди.

Шу кунларда терим машиналари ремонти бошланди. Биринчи январгача барча қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини тугаллаш мўлжалланяпти.

Райондаги «Октябрь 40 йиллиги», «Ленин йўли» колхозлари, «Бўка» совхози ва бошқа хўжаликларнинг меҳнаткашлари ҳам қишлоқ хўжалик техникасини кўкламга шайламоқдалар.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0
ҚҚАССР	2,0	93,2
Сирдарё	2,6	83,3
Жиззах	3,6	80,6
Наманган	4,5	66,3
Фарғона	4,0	54,6
Хоразм	0,5	50,8
Андижон	2,5	45,6
Қашқадарё	2,7	39,1
Бухоро	1,5	33,5
Самарқанд	1,2	32,4
Сурхондарё	0,3	13,1
Республика бўйича:	2,2	56,3

Доимий комиссияларнинг мажлиси

Ўзбекистон ССР Олий Советининг хотин-қизлар меҳнати ва маиший турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ҳамда соғлиқни сақлаш ва социал таъминот масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялари 4 декабрда ўтказилган қўшма мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг оналик ва болаликни муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача тарбиясини янада яхшилаш тўғрисидаги қарорлари қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқдилар.

Депутатлар айтиб ўтдиларки, кейинги йилларда республиканинг даволаш-профилактика муассасаларида оналар ва болалар учун ўринлар сони анча кўпайган. Педиатр врачлар ва акушер-гинекологлар контингенти ортган. Болалар овқатини яхшилаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Сирдарё ва Фарғона областларида сут кухняси тармоқлари ўсиб бормоқда. Масалан, уларнинг қуввати 3 баравар ошди. Саноат корхоналарида хотин-қизлар меҳнат шароитларини янада енгиллаштириш борасида комплекс чоралар амалга оширилмоқда.

Аммо комиссия аъзолари ўтказган текширишлар баъзи областларда туғишга ёрдам бериш ва болалар муассасалари тармоқларининг ривожланиш даражаси аҳолининг ўсиш суръатларидан орқада қолаётганлигини кўрсатди. Хотин-қизлар ва болалар соғлиғининг медицина контроли ҳамма ерда ҳам тегишли равишда ташкил этилган деб бўлмайди.

Мактабгача тарбия ишидаги камчиликларга батамом барҳам берилган эмас. Масалан, Қорақалпоғистон АССР, Жиззах ва Хоразм областларидаги болаларнинг анчагинаси боғча ва яслиларга жалб этилмаган. Болалар муассасаларини қуриш планлари бажарилмаётган жойлар ҳам бор. Ишлаб турган боғча ва яслилардаги ходимларнинг бир қисми тегишли маълумотга эга эмас.

Комиссиялар республика министрликларига, идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига шу камчиликларни йўқотиш юзасидан конкрет чоралар кўришни тавсия қилди. Даволаш-профилактика ва болалар муассасалари тармоқларини янада ривожлантириш, уларни зарур жиҳоз ва малакали кадрлар билан таъминлаш юзасидан белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор берилмоғи керак, деб таъкидланади комиссияларнинг қарорида.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

«ПРОМЕТЕЙ» ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет кўп миллатли цирк санъатининг энг яхши ютуқларини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, меҳнаткашларни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашга, СССР халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга актив кўмаклашган гастроллари муваффақиятли ўтказилганлиги учун Бутуниттифоқ давлат циркларининг «Прометей» цирк коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1981 йил 5 декабрь.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАНҚИДИЙ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР ИЖРОСИ

КАМОЛОТ СИНОВИ

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ ПАРТИЯ БЮРОСИНИНГ КОММУНИСТЛАР БИЛДИРГАН ТАНҚИДИЙ ФИКР ВА ФОЙДАЛИ МУЛОҲАЗАЛАР САМАРАСИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Партия группалари, цех ва кам сонли бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари иҳоясига етди. Уларда ўн биринчи беш йиллиннинг дастлабки йили иш натижалари, КПСС XXVI съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги чуқур ва атрофлича таҳлил қилинди. Йиғилишларнинг принципиаллик, ишчанлик, танқид ва юксак талабчанлик руҳида ўтганлиги диққатга сазовор. Коммунистлар қуйи ячейкаларнинг ҳисобот давридаги фаолиятига якун ясаб, энг муҳим вазифаларни белгилаб олдилар.

— Партия съезди ишлаб чиқаришнинг резерв ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларини кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, корхонамизда баъзи камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўзга ташланади. Тўғри, ишимизнинг бориши чакки эмас. Цехимизда планлар бажариляпти, буюртмачиларнинг кўнглини қолдираётганимиз йўқ. Аммо ҳали ишга кеч келиб, барвақт кетиш ҳоллари содир бўлиб турибди. Вақтида меҳнат «гурунги»га қўшилмаётган, эгасини кутиб туриб қолаётган дастгоҳлар учрайди. Бу ҳол, айниқса, иккинчи смена да кўпроқ такрорланмоқда. Ғоҳида иш барвақтроқ тўхтаб қолишига йўл қўйилаётир. Эътиборингизни қуйидаги фактларга қаратишни хоҳлардим. Хомчўт қилиб кўрдик. Цехимиздаги ҳар бир ишчи интизом туфайли кунига 15 минутдан вақтни бой берадиган бўлса, бу биз учун озмунча йўқотиш бўлмас экан. Ваҳолонки, шу вақтда беш-олтита трактор моторини очиб, қисмларга бўлиш; икки-учта моторни ремонт қилиб, қўлдан чиқариш мумкин. Бу масала цех партия ташкилоти диққат-эътиборида туриши, бу соҳада ташкилот аъзоларининг ибрат кўрсатишига эришишимиз керак.

Мотор-ремонт цехи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тўпланган коммунистлар, слесарь Тиллабой ака Калменовнинг бу фикрларини катта эътибор билан эшитишди. Тиллабой ака цехнинг ветеран ишчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Ҳамза район партия комитетининг аъзоси. У шу кунларда 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Коллектив манфаати учун жонкуяр бўлган бу партия аъзосининг сўзлари коммунистларда катта қизиқиш туғдириши табиий эди. Шундан кейин сўзга чиққан коммунистларнинг аксарияти унинг фойдали мулоҳазаларини қўллаб-қувватлашди.

Коммунистнинг йиғилишда билдирган танқидий мулоҳазаси партия ташкилотини, цех маъмуриятини ишчиларни юксак онглилик, меҳнатга коммунистик муносабат ва ўз иш жойидаги аҳвол учун масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялашга, меҳнат интизомини бузувчиларга қарши муросасиз бўлишга ундади. Ишчиларга транспорт хизмати тартибга келтирилди. Интизомсизларга қарши моддий ва маънавий чоралар кўриш кучайтирилди. Иш вақтидан унумли фойдаланиш қаттиқ назорат остига олинди.

Цех партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтганига кўп бўлгани йўқ. Аммо Тиллабой Калменовнинг таклифи ҳозирдаёқ дастлабки натижаларни кўрсатди. Иш вақтининг тўла давомийлиги таъминланди, меҳнат унумдорлиги ошди. Учинчи кварталда ҳар куни 30—31 тадан мотор ремонт қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич иккитага ошириб адо этилмоқда.

Завод партия бюроси коммунистларда ижтимоий активликни ошириш учун самарали чоралар кўрмоқда. Партия йиғилишларида уларнинг партия топшириғини қандай бажараётганлиги билан боғлиқ ҳисоботларини эшитиш одат бўлиб қолди. Йиғилишларда ошкора, соғлом танқид руҳи вужудга келтирилаётгани, коммунистларнинг бирон бир қимматли мулоҳазаси, фойдали таклифи, танқидий фикри эътиборсиз қолдирилмаётгани ҳам бунда муҳим роль ўйнаяпти.

Ижтимоий активлик, етилган муаммоларни ҳал қилишда дадиллик коммунистларга хос фазилатлардир. Завод коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам ўзларининг ана шу фазилатларини намоён қилдилар. Нотиқлар меҳнат коллективларининг ютуқларини таъкидлаш билан бирга партия ташкилоти фаолиятида содир бўлган камчиликларни ҳам. рўй-рост тилга олдилар, уларни бартараф этишнинг тўғри ва оқилона йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Йиғилишларда ишчиларга қулай меҳнат шароити яратиб бериш хусусида ҳам қимматли фикрлар айтилди. Ў меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда келишувчиликка, эътиборсизликка йўл қўйиш асло мумкин эмас.

— Бу соҳада бир мунча қийинчиликлар борлигини айтмай илож йўқ. Цехларни иситиш бизни қониқтирмаяпти, қишда совуқ, ёзда иссиқ. Душхоналарга иссиқ сув кам бериляпти. Ишлаб чиқариш кенгайиб, эски қозонхонанинг қуввати етишмай қолди. «Госкомсельхозтехника»га қарашли Калинин райони кўчма механизациялашган колоннаси бундан бир неча йил илгари янги қозонхона қурилишини шиддат билан бошлади-ю, кейинчалик эътибордан четга суриб қўйди. Иш тошбақа суръат билан давом этяпти. Аҳвол шу зайлда қоладиган бўлса, бу қиш ҳам янги қозонхонадан манфаатдор бўлмайдиганга ўхшаймиз.

— Қараб туриб ороминги йўқотасан, киши. Қанчақанча керакли механизмлар, эҳтиёт қисмлар очиқ ҳавода, қор-ёмғир остида етибди. Ҳолбуки, ишчиларнинг ҳалол меҳнати, пешана тери билан яратилган буларнинг ҳаммаси. Занглаши, тез ишдан чиқишидан озмунча зарар кўраётганимиз йўқ. Шу мақсад учун бостирма қуриш ҳақида кўп гап бўлади, қарорлар қабул қилинади-ю, ўзгариш бўлмайди. Бу ҳусусда партия бюроси ўзининг таъсир кучидан фойдаланиши керак.

Слесарь-оператор Қамбар Собиров, таъминот бўлими бошлиғи Михаил Капнин ўртоқларнинг коллектив иши, умум манфаати учун дилдан чиқариб айтган бу таклифлари қисқа муддатда амалга оширилди. Бостирма қурилиши тугалланди. Қозонхона эса ишга туширилиш арафасида.

Бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири коммунистлар, аввало, раҳбар ходимларда бурч масъулияти туйғусини оширишдан иборатдир. Аммо камсонли ташкилотларнинг анчагинасида маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш талаб даражасида эмас. Бу ҳақда эксперименталь цехи слесари И. Климов қуйидагича гапирди:

— Бетга айтганнинг заҳри йўқ. Кейинги вақтда корхона маъмурияти, хусусан, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, бош инженер, директор ва унинг ўринбосарлари цех партия йиғилишларида кам кўринишяпти. Бунга мана шу йиғилишимизни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бундай шароитда ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларида иш қандай бораётгани ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш, коммунистларнинг шу кунинг долзарб масалалари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашишда қийинчилик рўй бериши мумкин. Завод партия бюроси бунга келишувчилик билан муносабатда бўлмаслиги керак.

Партия бюроси коммунистлар билдирган ҳақли эътирозларни ҳисобга олди. Раҳбар ходимларнинг партия йиғилишларида иштирок этишлари юзасидан қатъий график ишлаб чиқилди. Бу кун тартибидаги масалаларни янада малакали муҳокама қилиш, амалий қарорлар қабул қилиб, уларнинг ижросини ишчанлик билан ташкил этиш имконини беряпти.

Корхона коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида, ўзларининг сиёсий ва маънавий камолотларини, завод, унинг ишлаб чиқариши учун кадрлар тайёрлаш каби муҳим масалалар ҳақида юксак масъулият билан қайғураётганликларини намойиш қилдилар.

...Ихчамгина залга кириб борамиз. Корхона ҳаётини акс эттирувчи ранго-ранг стендлар, завод шуҳратини оширишга ҳисса қўшаётган машъал ишчиларнинг фотосуратлари, ишлаб чиқаришнинг ўсишини кўрсатувчи диаграммалар, эҳтиёт қисмлар ва дастгоҳларнинг макетлари... Бир томонга корхона цехларида тайёрланаётган маҳсулотларнинг андозалари қўйилган. Юксак дид билан безатилган бу касбга йўналтириш хонасига кирган кишининг кўзи қувнайди.

Бу хонанинг жиҳозланишида кекса коммунист К. Даянаевнинг хизмати катта. Корхонанинг кадрлар билан таъминланишини яхшилаш, ишчи кучи танқислиги рўй бермаслигида бу ерда олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти катта бўляпти. Корхона оталигидаги мактабларда, пионер уйлари ишлаб чиқаришга оид машғулотлари бевосита ана шу хонада ўтказишяпти.

Бу хонани ташкил этиш фикри ҳам дастлаб партия йиғилишида ўртага ташланган эди. Коммунистлар ўшанда фойдали таклифларни илиқ-иссиқ кутиб олдилар, ишчи ўринбосарларини тарбиялашда бевосита қатнашиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар.

— Ҳисобот ва сайлов йиғилишлари шуни кўрсатдики, коммунистлар ишлаб чиқаришда байроқдорлик қилмоқдалар, партиямизнинг XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишда сиёсий жиҳатдан етук эканликларини намойиш этмоқдалар, ишда жанговарлик ва ташаббус кўрсатмоқдалар, — дейди корхона партия бюросининг секретари Нурмат Раҳимов.

Гидравлик пресс цехи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Тоҳир Мирзаев, слесарь Владимир Зиков, токарь Александр Полев, дурадгорлар бригадаси бошлиғи Зойир Саримсоқов... Бугунги кунда Меҳнат Қизил Байроқ орденли илғор корхонанинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, завод довруғини оширишда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган коммунистлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Улардаги ижодкорлик руҳи ва ишга масъулият билан ёндашиш ҳиссиёти корхона ишига барака киритмоқда, ишлаб чиқаришда юксак сифат кўрсаткичлари қўлга киритилишига ёрдам бермоқда.

Ўн биринчи беш йиллиннинг дастлабки йили социалистик мажбуриятини муддатидан бир ҳафта олдин адо этишга шайланган Тошкент ремонт-механика заводи коллективининг авангарди бўлган коммунистлар учун корхона ва унинг цехларидаги партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари камолот синови, етуклик имтиҳони вазифасини ўтади. Партия бюроси коммунистлар ана шу йиғилишларда билдирган танқидий фикр ва фойдали мулоҳазалар асосида сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларини кучайтириб, меҳнат коллективининг бутун ҳаётига, иш маромига самарали таъсир кўрсатмоқда.

С. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

ЯНГИ ОЛМАЗОРЛАР

«Бахмал» совхози замирида ташкил топган «Ойқор» совхози боғбонлари сўнгги икки йил ичида боғ ва узумзорларни 300 гектарга кенгайтирдилар. «Совуқбулоқ» «Тангатопди» бўлимларида ўнлаб гектар ёнғоқзор ва узумзорлар бунёд этилди. Дастлаб экилган ниҳоллар ҳосилга кирди. Ҳосилга кирган 120 гектар боғдан бу йил бўлутургидан икки ҳисса кўп ҳосил йиғиштириб олинди.

Латиф Бобомирзаев бошлиқ бригада соҳибкорлари «Тангатопди» бўлимида бўлоқ сувларини ерости қувурлари орқали 10 километрлик масофага олиб боришди. Айни пайтда бригада аъзолари ариқ лабларига, йўл ва йўлкалар четига арча, чинор ва бошқа хушманзара дарахт кўчатлари ўтказишяпти. Сирожиддин Қодиров, Сафар Нодиров бошлиқ бригадаларда дарахтларга шакл бериш уюшқоқлик билан давом этмоқда.

— Совхозимизнинг тоғолди участкалари об-ҳаво шароити жиҳатидан олмазорларни кенгайтириш учун жуда қулай, — деди совхоз директори Эшмурод Аҳмедов, — шу сабабли Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари билан ҳамкорликда олма ва нокнинг янги навларини экишга алоҳида эътибор беряпмиз. Совхозимизда яқин йиллар ичида боғ ва токзорлар 1,5 минг гектарга етказилади.

Н. МИРЗАЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

СССР Олий судининг навбатдаги пленуми Л. Н. Смирнов раислигида бўлиб ўтди.

Пленум давлат ва жамоат мулкини ўғирлашга қарши курашда судларнинг ролини ошириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Грузия ССР Олий судининг раиси А. Г. Каранадзе, Киргизистон ССР Олий судининг раиси З. Жамашев ва СССР Олий суди жиноий ишлар судлов коллегиясининг раиси А. М. Филатов доклад қилдилар.

Қабул этилган қарорда пленум судларга одил судловни амалга ошириш пайтида улар давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш жуда катта ижтимоий хавф эканини ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказишини эътиборга олишлари, ҳар бир жиноят тафсилотларининг тўла-тўкис ва атрофлича текширилишини таъминлашлари, ўғирлашда қатнашган ҳамма кишиларни аниқлаб жавобгарликка тортишни, ашаддий талон-торож қилувчиларни — жиноят ташкилотчилари ва актив иштирокчиларини, мунтазам равишда ўғирлик билан шуғулланувчи, текинхўрлик билан кун кечирувчи кишиларни жазолашда кўнгилчанликка йўл қуймасликлари кераклигини уқтириб ўтди.

Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш хавфли эканлиги ҳамда шу ўғирликларга қарши изчил курашиш муҳимлиги таъкидланди.

Судлар ўз ишини ҳукукни ҳимоя қилувчи бошқа органлар билан янада узвий мувофиқлаштириб олиб боришлари, гражданларни халқ мулкига чинакам коммунистик муносабат руҳида тарбиялашишида меҳнат коллективлари билан, жамоатчилик билан алоқани доимо мустаҳкамлашлари лозим. Қонунинг талон-торож қилувчилар томонидан етказилган моддий зарарни тўла-тўкис ундириб олиш тўғрисидаги талабларига муттасил риоя қилиниши зарур. Ишларни кўриб чиқиш вақтида ўғирликка, исрофгарчиликка ва хўжасизликка йўл қўйиб бериш юзасидан аниқланган фактлар хусусида судлар хусусий ажримлар чиқаришлари ва бунинг учун айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ўртага қўйишлари лозим. Ўғирликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш талон-торож қилувчилар учун чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилишига ва жамоатчилик томонидан қораланишга, қилинган жиноят учун муқаррар жазо берилишига бутун чоралар билан кўмаклашиши, ўғирликларнинг олдини олиш ва тугатиш мақсадларига хизмат қилиши керак.

Пленум Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Х. К. Муҳиддинованинг, Литва ССР Олий судининг раиси И. П. Мисюнас ва СССР Олий судининг аъзоси Р. К. Бризевнинг чайқовчилик учун жавобгарликни кўзда тутувчи қонунларни судлар қандай бажараётганлиги тўғрисидаги докладларини тингладилар. Қабул этилган қарорда пленум айрим судлар чайқовчиликнинг ижтимоий хавфига етарли баҳо бермаётганликларини, шундай жиноят қилган шахсларни жазолашда кўнгилчанликка йўл қўяётганликларини, уларнинг мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисидаги қонунни зарур бўлган ҳамма ҳолларда ҳам баъзан қўлламаётганликларини уқтириб ўтди.

Пленум судларнинг зиммасига чайқовчиларга қонунда кўзда тутилган жазо чораларини кўриш билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга чайқовчиларга кўмаклашувчи шахслар аниқланиб, жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини, чайқовчилар молни қаердан олаётганликлари аниқланганлиги ёки аниқланмаганлигини ҳам белгилаш вазифасини юклади. Савдо-сотиқни ташкил этишдаги камчилик ва нуқсонларга ҳамда мол сотиш қоидаларини бузиш ҳолларига нисбатан ўткирроқ чоралар кўриш зарур, майда чайқовчиликка қарши кураш кучайтирилиши лозим. Судлар чайқов предметларини шунингдек жиноий йўл билан орттирилган пул ва бойликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қонун талабларини қатъият билан бажаришлари керак.

СССР Олий суди аъзоси П. Я. Трубниковнинг доклади юзасидан ССР Олий судининг пленуми юк ва багаж ташиш шартномасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш вақтида судларнинг қонунларни қўлланиш практикаси тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Қабул этилган қарорда юк ташиш планларини бажаришнинг катта халқ хўжалик аҳамияти ва шу билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши таъкидлаб ўтилди. Пленум юк ташиш вақтида халқ мулкининг нобуд бўлиши фактларига исрофгарчиликка ва шу юкларнинг лозим даражада сақланишини таъминлаш юзасидан аниқланган фактлар хусусида судлар хусусий ажримлар чиқаришлари ва бунинг учун айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ўртага қўйишлари лозим. Ўғирликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш талон-торож қилувчилар учун чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилишига ва жамоатчилик томонидан қораланишга, қилинган жиноят учун муқаррар жазо берилишига бутун чоралар билан кўмаклашиши, ўғирликларнинг олдини олиш ва тугатиш мақсадларига хизмат қилиши керак.

Пленум ишида СССР Бош прокурори А. М. Рекунков ва СССР юстиция министрининг биринчи ўринбосари А. Я. Сухарев иштирок этдилар.

(ТАСС).

«КОСМОС-1328» ВА «КОСМОС-1329» ПАРВОЗДА

1981 йил 3 ва 4 декабрь кунлари Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдошлари «Космос-1328», «Космос-1329» учирилди.

Йўлдошларнинг ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координация-ҳисоб маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

⊙ БУДАПЕШТ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Бонндаги музокараларда олга сурган тинчлик ташаббуслари тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган янги амалий ҳиссадир, — деди Умумвенгрия Ватан халқ фронти кенгашининг секретари Д. Сентиштвани.

Совет давлати изчиллик билан муттасил ўтказиб келаётган тинчлик сиёсатини халқлар тинчлиги ва бахт-саодатини қадрлаётган барча кишилар қўллаб-қувватламоқдалар, деди у. Биз халқаро вазиятни яхшилаш, ер курраси дарча халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида Шарқ билан Ғарб ўртасидаги амалий мулоқот йўлида СССР қўйган янги қадамни табриклаймиз.

⊙ ЛОНДОН. СССР ядро қуролидан фойдаланишни тақиқлашни ўз ташқи сиёсатининг мақсади деб эълон қилди, Ғарб давлатлари ҳам бундай йўлни қўллаб-қувватлашлари керак, деди Кембриж университетининг профессори Н. Калдор. Шунга эришишга муваффақ бўлинган тақдирда, деб таъкидлади у, бутун инсоният устида, шу жумладан Европа халқлари устида пайдо бўлган даҳшатли хавф-хатар бартараф этилган бўлур эди. Бунинг ўрнига АҚШ ва НАТО тобора янги, ниҳоятда хатарли ҳарбий назарияларни ҳамон ишлаб чиқмоқдалар. Масалан, «чекланган» ядро урушлари назарияси ана шундан далолат беради. Бундай назарияларнинг амалга оширилиши Европа учун йўқ бўлиб кетиш маъносини билдирган бўлур эди, деб таъкидлади олим. (ТАСС).

ЯПОНИЯ. Мамлакатнинг демократик кучлари қуролланиш пойгаси тўхтатилиши учун, бутун жаҳонда ҳарбий потенциал оширилишига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар. Водород ва атом бомбалари ишлаб чиқаришга қарши кураш бўйича Японня кенгашининг даъватига кўра атом бомбардимонлари оқибатлари темасига бағишланган фотокўргазмалар ташкил этилмоқда. Суратда: томошабинлар Гифу шаҳридаги фотокўргазма экспонатлари билан танишмоқдалар.

Жапан пресс — ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

650 МИНГИНЧИ «ДАЧИЯ» АВТОМОБИЛИ

БУХАРЕСТ. Руминиядаги энг катта Питешти автомобиль заводининг конвейеридан 650 мингинчи енгил «Дачия» автомобили тайёр бўлиб тушди. Халқ хокимияти йиллари мобайнида барпо этилган корхонанинг маҳсулоти 25 мамлакатда маълум. Ҳозирги вақтда Питешти автомобилсозлари «Дачия-1310» маркали янги моделни ишлаб чиқаришга киришдилар. Бу ерда метанол ёки унинг бензин билан аралашмасида ишлайдиган автомобиль двигатели ҳам яратилди ва синовлардан муваффақиятли ўтди.

БУЛҒУСИ ҲОСИЛ УЧУН

УЛАН-БАТОР. Мамлакатнинг асосий галла кони—Селенга аймоғининг галлакорлари «Бугунги кунда экин тикинга пухта тайёргарлик — бўлғуси мўл ҳосил гаровидир» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Барча хўжаликларда уруғликлар тозаланиб, назларга ажратилмоқда. Маҳаллий шароитга яхши мослаштирилган селекция буғдойининг энг яхши сара навлари уруғлик фондини ташкил этади. Булар бошқа наваларга қараганда бир ҳафта барвакт етилади ва гектар бошига беш центнерга қадар кўшимча дон беради.

КУЗГИ УРИМ-ЙИҒИМ МАВСУМИ

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамнинг шимолий вилоятлари далаларидаги кузги ўрим-йиғим мавсуми якунловчи босқичга қадам қўйди. ВСР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, 838 минг гектар майдондаги шоли ўриб олинган, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 280 минг гектар кўпдир. ВКПнинг бўлажак V съезди шарафига социалистик мусобақа кенг авж олиб кетганлиги, ҳамма жойда замонавий техника ва меҳнатни ташкил этишнинг янги илғор методлари жорий этилганлиги натижасида шунга эришилди.

(ТАСС).

ФРАНЦИЯ:

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Франциянинг Миллат мажлисида национализация тўғрисидаги қонун лойиҳаси иккинчи бор таҳрир қилингандан кейин муҳокама этила бошланди. Қонун лойиҳаси бешта йирик саноат компанияси, ихтиа молия группаси ва 36 та хусусий банк давлат назорати остига олинишини кўзда тутади.

Сенат илгари Миллат мажлиси маъқуллаган лойиҳа текстини тасдиқлашдан бош тортганидан кейин бу парламентнинг қуйи палатасига қайтарилган эди. Ўнг партиялар сенатда кўпчилик овоза эгадирлар. Депутатлар ҳукумат ва парламентнинг келишувчилик комиссияси таклиф этган салкам 50 та тузатишни муҳокама қилишлари керак бўлади.

(ТАСС).

ТАЗИИҚҚА ҚАРАМАЙ

НЬЮ-ЙОРК. Сент-Люси пойтахти — Кастрида Америка давлатлари ташкилоти бош ассамблеясининг XI сессияси Вашингтон Кубага ва Никарагуага қарши кампанияни якада давж олдираётган бир вазиятда бошланди.

АҚШ маъмурияти Америка давлатлари ташкилотига тазйиқни кучайтириш мақсадида шу сессиядан фойдаланишни ният қилмоқда. Вашингтоннинг Кубага ва Никарагуага нисбатан тутган агрессив режаларининг қўллаб-қувватланишига ўринмоқда. Аммо Кубага ва Никарагуага қарши васваса, қурол ялангочлаш сиёсати Америка давлатлари ташкилоти аъзоларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмаётганлиги кўриниб турибди. Сент-Люси бош министри У. Сенак сессияни очиб, АҚШнинг шу региондаги агрессив йўлини коралади. (ТАСС).

ИШЧИЛАРГА ҚАРШИ

ВАШИНГТОН. АҚШ ҳукумати ўзининг Америка меҳнаткашларига ва уларнинг ташкилотларига нисбатан душманчилигини яна бир бор намойиш қилди. Президент Р. Рейган АФТ—КПП касаба союз бирлашмалари ижроия кенгаши аъзолари билан учрашувда забастовкада қатнашганлик учун ишдан бўшатилган Америка авиацияси диспетчерларига бундан кейин ўз ихтиосислари бўйича ишлашга рухсат берилмайди, деб айтди. Шу билан Оқ уй ишчиларга қарши, касаба союзларига қарши йўлдан бориш ниятида эканлигини рўй-рост маълум қилди.

Р. Рейганнинг диспетчерларни таъқиб этишни давом эттириш ниятида эканлиги хусусидаги баёноти касаба союзлари доираларининг норозилигига сабаб бўлди. Диспетчерлар яна ишга қайтариб олиниши керак. Давлат хизматчилари касаба союзларининг раиси К. Блойлок Оқ уйдаги учрашувдан кейин маъмуриятнинг қарорини қоралаб шундай деди.

Оқ уй вакилининг эътироф қилишича, касаба союзлари бошлиқлари билан президент ўртасида бошқа келишмовчиликлар борлиги ҳам учрашув давомида аниқланди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТИНЧЛИК ВА КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Шу кунларда бутун жаҳон аҳлининг диққат-эътибори Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женевада бошланган Совет — Америка музокараларига қаратилган. Бу музокаралар империализм кучларининг қуролланиш пойгасини кучайтириш, кескинликни юмшатишга путур етказиш йўли сабабли дунёдаги кескинлик жуда кучайиб кетган бир даврда ўтмоқда. Американинг янги ракета-ядро қуролини Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида, аввало ГФРда жойлаштириш режалари тинчлик иши учун жуда хавфли таҳлика солмоқда.

Вашингтон ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари дунёни ядро ҳалокатига судраётган бир пайтда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев яқинда ГФРга қилган визити вақтида ўзаро мақбул битимга келиш йўлини топиш, Европани ядро қуролидан қириб кетиш хавфидан сақлаб қолиш мақсадида олисни кўзловчи янги таклифларни ўртага қўйди.

Биринчидан, Совет Иттифоқи ўртача олисликка учадиган ядро воситаларига доир музокаралар олиб борилаётган даврда Европада шу қуролнинг янги турларини жойлаштиришни ва мавжуд турларини модернизация қилишни кечиктириб туриш тўғрисида илгари ўзи киритган таклифга муҳим қўшимча киритди. Иккинчи томон мана шундай кечиктиришга рози бўлган тақдирда совет томони СССРнинг Европа қисмидаги ўртача олисликка учадиган ўз ядро қуролларининг бирмунча қисмини ўз ташаббуси билан қисқартиришга тайёр эканини, музокаралар якунида СССР билан АҚШ шартлашиб олиши мумкин бўлган бирмунча қуйи даража сари силжишга тайёр эканлиги изҳор этилди.

Иккинчидан, Совет Иттифоқининг Женева музокаралари давомида иккала томон ўртача олисликка учадиган ядро воситаларидан бир неча ўнтасини эмас, балки бир неча юзтасини тўбдан қисқартиришни таклиф қилиб чиқмоқчи эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бунда Американинг олдинги базаларидаги воситалари ҳам, шунингдек Англия билан Франциянинг тегишли ядро воситалари ҳам эътиборга олиниши зарурлиги ўз-ўзидан равшан.

Учинчидан, СССР ҳар иккала томон — Ғарб билан Шарқ — Европадаги объектларни нишонга олиб турган ўртача олисликка учувчи ҳамма турдаги ядро қуролидан батамом воз кечишлари тўғрисида ҳам аҳд лашиб олишга тайёр.

Л. И. Брежнев ўртага қўйган таклифлар — қитъаларо ядро қуролларини камайтириш программасидир. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети эълон қилган ҳужжатда бу программа ядро уруши хавфига қарши чиқаётган барча халқларнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушиши таъкидлаб ўтилди.

Женевадаги Совет — Америка музокаралари — чет эл матбуотининг ташқи сиёсат борасидаги асосий мавзуларидан биридир. Л. И. Брежнев баён этиб берган янги совет тинчлик ташаббуслари Женевадаги муҳокотни муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма имкониятларни яратади, деб таъкидлайди Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси.

Энди ҳамма нарса Америка томонига боғлиқ. Ер курраси халқлари Женева музокараларининг ижобий натижа билан тугашидан умидвор бўлишга ҳақлидирлар, бундай натижа эса тинчлик ва кескинликни юмшатиш манфаатларига хизмат қилган бўлур эди.

СССР — ФИНЛЯНДИЯ: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АСОСИДА

6 декабрь — фин халқининг миллий байрами, мустақиллик куни. Ленининг Финляндия давлат мустақиллигини тан олиш тўғрисидаги декретида Совет Иттифоқи билан унинг шимолдаги қўшниси ўртасидаги яхши қўшничилик асослари яратилган эди, шу асослар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда имзоланган Совет — Финляндия шартномасида пишиқ-пухта мустаҳкамланиб, янада ривожлантирилди.

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг негизида ривожланмоқда. Кейинги кунлардаги воқеалар — Финляндияда ўтказилган анъанавий Финляндия — Совет дўстлиги ойлиги ва Совет — Финляндия иқтисодий ҳамкорлиги доимий ҳукуматлараро комиссиясининг XXV мажлиси ҳам буниг далилидир.

СССР билан Финляндия ўртасидаги ҳар тарафлама алоқалар турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати Хельсинкидаги Умумевропа кенгашининг Якуновчи акти руҳидаги халқаро ҳамкорлик самарадорлигининг яхши намунаси бўлиб қолди. Никала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ муваффақиятли ўсиб, ривожланмоқда. Ўн беш йилдан камроқ вақт мобайнида Совет Иттифоқи билан Финляндиянинг фирмалари ўртасидаги товар оборoти 8 баравардан зиёд кўпайиб, 1981 йилда 5 миллиард сўмликка етди. Иқтисодий алоқалар — жуда муҳим омилдир. Бу алоқалар иккала давлатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, ҳар икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничиликнинг моддий пойдеворини, Финляндиянинг «Паасикиви-Кекконен йўли» деб аталган тинчликсевар ташқи сиёсат йўлининг пойдеворини мустаҳкамлайди.

СССР билан яхши муносабатларни вужудга келтириш ва доимо ривожлантириш ўз мамлакати ташқи сиёсатининг бош вазифаси деб ҳисобланган Ю. К. Паасикиви таърифлаб берган сиёсий йўл шимолдаги қўшнимиз ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади. Икки мамлакат муносабатларида жуда турли соҳаларда ҳамкорлик қилишнинг бутун бир системаси вужудга келтирилган. Савдо-иқтисодий, саноат ва фан-техника соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг Л. И. Брежнев билан У. К. Кекконен имзолаган узоқ муддатли программаси шу системанинг катта ютуғи бўлиб қолди.

Ҳозир фин халқи муҳим воқеага — навбатдаги олти йил учун давлатнинг янги бошлиғини сайлашга ҳозирлик кўрмоқда. Шу лавозимда чорак аср ишлаб келган У. К. Кекконен Совет Иттифоқи билан муқим яхши қўшничилик муносабатларини финларга қиймати эсдалик қилиб қолдирмоқда. Шу муносабатлар Финляндия ташқи сиёсий позицияларининг мустақиллигини таъминлайди, унинг иқтисодий ривожига муҳим барқарорлик омилини бахш этади, унинг кеснин кризиси бошдан кечираётган капиталистик дунёдаги келаётган қийинчиликларини камайтиради. Айни мана шу сиёсий йўлни Финляндиянинг тараққийпарвар кучлари, фин халқининг жуда кўпчилиги қўллаб-қувватлаётганлиги бежиз эмас.

В. МАТЯШ,
В. МАЛИШЕВ.
(ТАСС).

Социалистик мусобақа—омманинг ижодидир. Ўзининг моҳиятэътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СССР 60

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ ҚАНОТ ЁЯВЕРСИН!

Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони билан Тожикистон ССРнинг Хўжанд райони, Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз билан Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз, Хоразм областининг Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз билан Туркманистон ССРнинг Тахта районидаги Куйбишев номли колхоз коллективлари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида социалистик мусобақани кучайтириб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида яхши натижаларга эришмоқдалар. Ушбу саҳифада қардош мусобақадошларнинг 1981 йилги мусобақа шартларини бажариши дастлабки якунлари ҳақидаги материалларни ўқийсиз.

БИРИ БИРИГА УСТОЗ — ФАРҒОНА ЛЕНИНОБОД — БИРИ БИРИГА ШОГИРД

ФАРҒОНА областининг Ўзбекистон райони билан Ленинобод областининг Хўжанд райони ўртасидаги социалистик мусобақа тобора ривожланиб, қардош ўзбек ва тожик халқлари интернационал дўстлиги рамзига айланяпти. Анъанавий мусобақа эндиликда икки район қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасидагина эмас, балки саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, халқ маорифи, маданият органлари коллективлари орасида ҳам кенг ёйилиб, илҳомбахш кучга айланмоқда. Ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш ҳар икки районда пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш, халқ турмуш фаровонлигини янада яхшилашга ижобий таъсир кўрсатяпти.

Ўзбекистон районида шу йилнинг ўтган 10 ойида салкам 38,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Қурувчилар 11 миллион 740 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. 8582 квадрат метр уй-жой бинолари қурилди, 150 ўринли болалар боғчаси, 320 ўринли мактаб биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. «Ғаниобод» совхозида 600 бош қорамолга мўлжалланган комплекс ишга туширилди. Ана шу ва шунга ўхшаш муваффақиятларимизнинг ҳаммасида хўжандлик мусобақадош дўстларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, деб фахр билан айта оламиз.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Ўзбекистон аграр-саноат райони бўлиб, йилига 100 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шундан 50 миллион сўмдан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулоти, хусусан пахта ҳиссасига тўғри келади. Хўжандлик мусобақадошларимиз кўмагида 1981 йилни катта муваффақиятларга эришиш билан якунлаяпмиз. Давлатга пилла, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-узум сотиш планлари барча турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича анча ошириб бажарилди.

Азамат чорвадорларимиз фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиб, ички резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, чорва маҳсулотлари тайёрлашни тобора кўпайтирмоқдалар. Районимиз бўйича давлатга гўшт сотиш йиллик плани 101 процент бажарилди. Тайёрлов ташкилотларига 1.248 тонна юқори сорт гўшт топширилди. Сут, тухум сотиш планлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Йил пахтачилик учун анча мураккаб келди. Қўқон шамолидан тортиб, кучли сел-дўлгача бўлган табиий офатларни кўп бошдан кечирдик. Хўжандлик дўстларимиз тортган машаққатлар ҳам бундан кам бўлмади. Лекин халқимиз табиий офатлар олдида саросимага тушмади. Аксинча партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, юз берган қийинчиликларни мардлик билан енгди. Пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Районимиз она-Ватанга пландаги 48.900 тонна ўрнига 55 минг тонна пахта топшириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Фарғона область партия комитети ва тожик мусобақадошларимиз олдида берган сўзларининг устидан чиқдилар. «Ғаниобод» совхози 15,5 минг тонна, «Қўқон» совхози 12.300 тонна, «Комсомол» совхози 10.250 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, пахтакорлар мусобақасида ғолибликка эришди. Районимизнинг «оқ олтин» хирмонига Ғафур Ғулом номли колхоз 8.200 тоннадан зиёд пахтаси билан муносиб ҳисса қўшди. «Пахтақайнар», Ленин номли колхозларнинг меҳнат зафарлари ҳам қувончли бўлди.

Мусобақадош тожик дўстларимизга қувонч билан шуни маълум қиламизки, районимиздаги уч колхоз, уч совхоз, 22 бўлимнинг ҳаммаси йиллик пахта тайёрлаш планларини ошириб ado этди. 244 та пахтачилик бригадасидан 225 таси ғалаба рапорти берди.

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида районимизнинг унумдор далаларида 30 та терим-транспорт отрядига уюшган 219 «зангори кема» ишлади. Машиналар ёрдамида планда кўзда тутилган 29,5 минг тонна ўрнига 31,5 минг тонна пахта терилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ёш коммунист Абдураҳмон Орипов машина бункеридан «Пахтақайнар» колхози хирмонига 260 тонна «оқ олтин» тўкиб, мусобақада ғолибликни эгаллади. Жўрақул Эгамов, Нуъмонжон Назиров, Нуъмонжон Солиев, Солижон Мамажонов, Ўринхўжа Султонов, Саидғани Очилдиев, Орифжон Муллажонов ва бошқа кўплаб дала гвардиячиларимиз ҳам кўп ва тоза пахта териб, механизаторлик номини шуҳратларга буркадилар. Район партия комитети уларнинг бой иш тажрибаларини ҳамманинг қўлмуқига айлантириш чораларини кўради. Бу борада ҳам тожик мусобақадош ўртоқларимиз билан фикр алмашиб турамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев кейинги йилларда ўзбек пахтакорлари деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш ва барқарор мўл ҳосил олиш борасида жуда катта ишлар қилганликларини ҳамиша таъкидламоқда. Улар ўз ишларига меҳр-муҳаббат қўйган, бутун совет халқи олдидаги ўз бурчини яхши билган кишилар бўлганликлари учун эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмайдилар, янги улкан марраларни забт этиш учун курашаверадилар, деб катта ишонч билдирмоқда.

Районимиз бўйича 30 дан ортиқ бригада гектаридан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили олди. Абдусалом Раҳмонов бошлиқ бригада аъзолари 61 центнердан пахта хирмони кўтарди. Сотволди Худойқулов, Абдулазиз Раимов, Раҳматилла Мусаев, Шарифжон Маматов, Ҳошимжон Бўриев, Умарқул Умматкулов, Раъногон Олимова ва бошқа юқори ҳосил усталари бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 42-45-55 центнергача кўтарилди.

Районимизда оилавий теримчилар сафи тобора кенгайяпти. Ўқитувчи Муҳаббатхон Аҳмедова оиласи аъзолари Ғафур Ғулом номли колхозда 37 тонна пахта терди. Лобархон Аҳмедова, Улҳаной Жўраева, Ойнахон Нормановларнинг оилавий теримчилари ҳам хирмонга 30—32 тоннадан пахта тўкиб, ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. «Ғаниобод» совхозидан Машрабхон Сулаймоновалар оиласи 33 тоналик маррани эгаллаб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлишди. Мавсумда 10 тоннадан 17 тоннагача пахта терган Ғавҳарой Раимова, Тожихон Ғафурова, Одинахон Мадумарова, Ҳадичахон Назирова, Ҳабибахон Зокирова каби юзлаб чевар теримчиларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Районимизнинг 55 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёдга келтиришга қўлларидан келган ҳиссаларини қўшган механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари, теримчилар, мактабларнинг ўқитувчи-ўқувчилари, барча ёрдамчиларга, шу жумладан; мусобақадошимиз хўжандлик пахтакорларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳамиша бўлганидек, ҳозир ҳам меҳнаткашлар орасида 60 сиёсий докладчи, 30 та штатсиз лектор, 300 та сиёсий ахборотчи, 845 агитатор ва «Билим» жамиятининг 730 аъзоси қизғин иш олиб боряпти. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумидаги сермазмун нутқини кенг пропаганда қилишяпти. Социалистик мусобақа келаси йилги улкан ишларимизга янги уфқлар очяпти. Агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, чорва қишловини намунали ўтказиш учун ҳамма чоралар кўриляпти.

А. ПАИҒАМОВ,
Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари.

ТОЖИКИСТОН ССРнинг Хўжанд райони билан Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони меҳнаткашлари ўзаро социалистик мусобақаси кўп йиллик тарихга эга. Мусобақа туфайли тожик ва ўзбек халқларининг дўстлиги, биродарлиги ва ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди ва камол топмоқда. Тожиклар билан ўзбекларнинг қалби қалбига, ери ерига туташ. Бир дарёдан сув ичамиз, бир мақсад йўлида олға томон қадам ташлаймиз. Пахтачилик ва бошқа тармоқларни комплекс ривожлантиришда қўлни-қўлга бериб, юксак чўққилар сари интиляпмиз.

Тожиклар билан ўзбеклар бир-бирларига қиз бериб, ўғил уйлантириб қарши қуда бўлиб кетишган. Бу совет халқлари интернационал дўстлигининг самарасидир. Бизнинг барча муваффақиятларимиз Коммунистик партиянинг ленинча доно сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётгани, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларининг натижасидир, ўзбек мусобақадош оғаниларимиз билан қизғин давом эттирилаётган социалистик мусобақанинг дебочасидир.

Районимиз меҳнаткашлари Тожикистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида ўн биринчи беш йилликнинг биринчи босқичи — 1981 йилни яхши бошладилар, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни партия ташкилотлари етакчилигида муваффақиятли ado этмоқдалар. Давлатга пилла сотиш плани муддатидан илгари 110 процент бажарилди. Ҳар қути ипак қуртининг маҳсулдорлиги оширилди, сорти яхшиланди. Ғаллакорларимиз давлатга 2.600 тонна дон етказиб бериб, юксак мажбуриятларини шараф билан ado этдилар.

Районимиз боғлари, токзорларида етиштирилаётган ширин-шакар мевалар, узумларнинг донги оламга машҳур. Айниқса, қуруқ мевалар эл-юрт дастурхонини безаб келмоқда. Ишлаб чиқариш планига мувофиқ соҳибкорларимиз 31.500 тонна узум тайёрлашлари керак эди. Амалда улар давлат тайёрлов ташкилотларига 36.000 тонна узум етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Бир сўз билан айтганда, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планлари муваффақиятли ado этилди. Пахтачилик ҳақида қуйида алоҳида фикр юритамиз.

Чорвадорларимизнинг меҳнатларига таҳсинлар айтамиз. Улар ички имкониятлар ва резервларни мусобақадош дўстларимиз олдида олган мажбуриятларини бажаришга тўла сафарбар этмоқдалар. Шу кунгача давлатга 5.100 тонна гўшт топширилди. Сорт юқори бўлди. Йил охиригача яна 600 тонна гўшт топшириш кўзда тутилмоқда.

Сутни кўпайтириш бутун чоралар билан кучайтирилмоқда. Шу мақсадда сигирларнинг зоти яхшиланиб, маҳсулдорлиги оширилаётир. Умуман, чорва моллар туёқ сонини ошириш партия ташкилотларимизнинг диққат марказида бўляпти. Чорвадорларимиз бу йил 10.100 тонна сут тайёрлашлари керак. Ҳозирга қадар 9.400 тонна сут тайёрланди. Йил охиригача юксак мажбурият ортиғи билан ado этилади. Тухум, жун ва бошқа хил маҳсулотларнинг миқдори кўпайтириляпти, сорти ва сифати яхшиланяпти. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда ҳам мусобақадош дўстларимизга берган сўзимизнинг устидан чиқяпмиз. Келгусида янада улканроқ ғалабаларга эришиш учун курашмоқдамиз.

Пахтакорларимиз бор имкониятларини ишга солиб, пахта етиштиришни кўпайтириш учун ҳаракат қилишяпти. Лекин бу соҳада районимиз пахтачилиги тарихида ҳали кўрилмаган қийинчиликларга дуч келдик. Баҳорги табиий офатлар оқибатида ҳамма майдонларга чигит қайта-қайта экилди. Ғўза парваришини кучайтириб, юқори ҳосил етиштирдик. Пахта йиғим-терими ўюшқоқлик билан бошланди. Кунига йиллик планнинг 4—5 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришаётган ишларимизда табиат ўжарлик қилиб, яна қаттиқ ёғингарчиликлар бўлди. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай йиғим-терим жадаллик билан давом эттирилди. «Роҳий Ленин» колхози давлатга 4.500 тонна юқори сорт пахта сотиб, йиллик планини районда биринчи бўлиб бажарди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саидхўжа Ўринхўжаев номли, «Тожикистон», Азизов номли колхозлар ва бошқа хўжаликларда ҳам йиғим-терим юксак унум билан олиб борилди.

Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Бобожонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ҳосилдорликда юқори кўрсаткичга эришдилар. Юқори ҳосил усталаридан Дадажон Тоиров, Ачаой Эргашева, Марҳамат Зоҳирова, Отажон Раҳмонқулов, Насриддин Жумаевлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари мусобақа ғолиблари бўлдилар.

Мавсум машина терими учун ғоятда ноқулай келишига қарамай доңдғор механик-ҳайдовчиларимизда ССР Олий Совети депутати Хайринисо Бобоева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дилбарнисо Нурматовалар ўз касбларини яна бир карра шарафладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумидаги ғоятда мазмунли нутқида бундай деди:

— Қишлоқ хўжалиги учун белгиланган топшириқлар, нормативлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш вақтида ҳар бир регион учун энг қулай, реал шароитларни синчиклаб инобатга олиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган кишиларнинг иши тўғрисида бир йилнинг натижаларига қараб хукм чиқариб бўлмайди. Одамларга, уларнинг меҳнатига баҳо берганда, улар обҳаво яхши бўлганида ҳам, ёмон бўлганида ҳам қандай натижаларга эришаётганликларини, уларнинг меҳнат натижалари нақадар барқарор, стабил эканини эътиборга олмоқ керак.

Социалистик мусобақа мавсумий иш эмас, балки жамиятимизни ҳамиша ҳаракатга келтирувчи қудратли кучдир. Мусобақада кимлар ғолиб чиқади, кимлар ютқазади. Ёки тенгликка эришилади. Ҳар қандай вазиятда ҳам мусобақанинг самараси ўлароқ ҳар икки томон ҳам катта муваффақиятларга эришади. Шундай экан, ўзбек—тожик халқлари ўртасидаги дўстона мусобақани бундан кейин ҳам қизғин давом эттирмогимиз, янги зафарлар қучмоқ учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламогимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги ёрқин нутқида баён этилган улкан вазифаларни тез ва соз бажаришда социалистик мусобақа, айниқса катта аҳамиятга моликдир.

Биз 1982 йил мўл ҳосилга тайёргарлик ишларини Пленум қарорлари асосида ташкил этмоқдамиз. Ғўзапоядан тозаланган майдонлар пешма-теш ўтитланиб, чуқур шудгор қилиняпти. Ер тузилиши турлича бўлганлиги сабабли, айниқса тош-тупроқли майдонларни тезроқ, чуқур шудгорлаш, кўпроқ нам тўплашга алоҳида эътибор берилаётир. Тракторчиларимиз ишни икки сменада олиб боришяпти. Ҳар гектар ер ҳосилига камида 35—40 тонна органик ўғитлар солиномоқда. Бу тупроқ унумдорлигини оширишга, намни тўла сақлаб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш масаласига жиддий эътибор бериляпти.

Биз мусобақадош ўзбек оғаларимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаймиз. Уларнинг пахта ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигини оширишдаги бой тажрибаларини янада кенг ўрганамиз. Чунки бирмиз бирмизга устоз, бирмиз бирмизга шогирдмиз.

И. УМАРОВ,
Тожикистон ССР, Хўжанд район партия комитетининг биринчи секретари.

Мусобақадошлар йўқламаси

ВАЎДАГА ВАФО ҚИЛДИК

Самарали ва сифатли ишлайлик! Туркманистонлик пахтакор ҳамкасабаларимиз билан йил бўйи қизғин давом эттирган мусобақамизнинг иқтисини ана шу шиор ташкил этди. Партия ташкилотлари етакчилигида халқимиз меҳнати билан бунга эришдик. Учинчи беш йилликнинг биринчи даврасн — 1981 йилда колхозимиз бўйича 1.670 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» териб олиб, юқори сорт билан давлат тайёрлов пунктига топширдик.

Йил пахтачилик учун анча ноқулай келди. Лекин давлатимизнинг катта моддий-техника ёрдами, колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнати билан пахтадан мисли кўрилмаган даражада юқори ҳосил етиштирдик. Йиғим-терилни уюшқоқлик билан ўтказиб, планнигина эмас, социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажардик. Бизлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорликни пахтачилик учун қулай келган 1980 йилдагига нисбатан гектар ҳосилига 4—5 центнер кўтардик, 55—60 центнерга етказдик. Ёки колхозимиз бўйича пилада белгиланганидан 1500 тонна кўп пахта тайёрладик. Ана шундай муваффақиятларга эришувда туркманистонлик мусобақадош пахтакор дўстларимизнинг қимматли маслаҳатлари, амалий ёрдамларини ҳар қадамда сезиб турдик.

Мусобақанинг самараси сифатида яна бир мисолни тилга оламиз. Пахта терими даврида далаларимизда 28 та «зангори кема» икки сменада ишлатилди. Барг яхши тўкилмаган, машиналарни тўла қувват билан ишлатишга имконият бўлмаган кезларда мусобақадошларимиз билан ўзаро маслаҳатлашиб, шошилинч чоралар кўрдик. Ер аппаратларини ишлатишдаги тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Натижа чакки бўлмади. Хўжалигимизда машина терими плани ортиғи билан бажарилди. Қуронбой Раҳимов, Жуманазар Отаев ва бошқа илғор механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда 180—220 тоннадан пахта териб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлдилар. Бизлар бошчилик қилаётган бригадаларда қизғин дамларда машиналар шарофати билан кунига 10-12 процентдан пахта жўнатилди.

Социалистик мусобақада кўзда тутилган мақсад илғорлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш, шу йўл билан ўмумхалқ кўтаринкилигига эришиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини муттасил кўпайтириб, сорти ва сифатини яхшилашдир. 2.600 теримчининг ҳаммаси мавсум нормаларини тўла ва ошириб бажарди. Гулчехра Отаева, Бекпошша Аҳмедова, Оқилжон Назарова, Дилором Матмуродовалар ҳар бири 5—7 тоннадан пахта терган бўлсалар, бу социалистик мусобақанинг шарофатидир.

М. ПОЛВОНОВ, Р. ОТАЕВ, Р. БОЛТАЕВ — Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиқлари.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРДИ

Мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришда социалистик мусобақанинг роли жуда катта. Ун биринчи беш йиллик план-топшириқларини миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари бажаришда ҳам мусобақанинг таъсир кучи беқиёсдир. Туркманистон ССР Тошовуз областининг Куйбишев номли колхози билан Ўзбекистон ССР Хоразм областининг Охунбобоев номли колхози узоқ йиллардан буён мусобақалашиб келади.

Масалан, бизнинг колхозимизни олайлик. 2.870 гектар майдонда ғўза ўстирамиз. Бу йил гектаридан салкам 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардик. Кўриниб турибдики, майдон жиҳатдан бизнинг колхозимиз катта, ҳосилдорликда эса мусобақадошимиз Охунбобоев номли колхоз олдинда туради. Биз ўзбек пахтакорларини ўзимиз учун устоз деб биламиз, ҳамиша уларнинг бой тажрибасини ўрганамиз. Айни кезда билганларимизни уларга ўргатамиз. Колхозимиз пахтакорларининг бир орзуси бор. У ҳам бўлса ҳосилдорликда мусобақадош дўстларимизга тенглашишдир. Улар эса ички имкониятларини ишга солиб иложи борича пахта майдонларини кенгайтириш чораларини кўрмоқдалар.

Ўзбек оғаларимиз бизга теримни комплекс механизациялаш йўлларини ўргатмоқдалар. Мусобақадошларимиздан сабоқ олган Аржон Беккиев, Худойберди Явшанов, Омонгелди Мередов ва бошқа илғор механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳар бири машиналар бункеридан 200 тоннагача пахта тўкиб, ўз касбларини шарафладилар. Келгусида ҳам механизаторлар мусобақасини кучайтирамиз. Қиш фаслида туркман-ўзбек пахтакор-механизаторларининг учрашувларини ўтказиб, тажриба алмашамиз.

Кези келганда бизларнинг бригадаларимиз аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 50-55 центнердан пахта хирмони кўтариб, ваўдага вафо қилганликларини айтиб ўтамиз.

Колхозимизда пахтадан тортиб, мева-узумгача бўлган барча хил қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари тайёрлаш планлари ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилганини мусобақадошларимизга қувонч билан хабар қиламиз.

Бу йилги мусобақани аъло даражада якунлаётмиз. Келаси йили янада улканроқ ғалабаларга эришмоқ учун агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини тўла амалга оширмоғимиз керак. Айни кезда уруғлик пахта чигитини алмашиш, зараркунандалар ва касалликларга қарши кураш йўллари ҳақида ҳам батафсил маслаҳатлашиб оламиз.

Т. КОМАКОВ, А. ТАТТИЕВ, Я. НАЗИРОВ — Тахта районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиқлари.

ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

Йилни якунлашимизга оз қолди. Лекин якун ҳозиродаёқ маълум ва қувонарли. Пахтадан тортиб сабзавотгача, ғўштдан тортиб мева-чевагача — ишлаб чиқариш планларининг ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари шараф билан бажарилди.

Биз машиналар қудратига ҳамиша тан бериб келяпмиз. Азамат механизаторларимиз ер тузилиши ноқулай бўлишига қарамай бутун ишлаб чиқариш жараёнини машиналар, механизм-агрегатлар ғарданига ортишяпти. Давлатга топширилган 5 минг тонна пахтанинг 3 минг тоннасини дала гвардиячиларимиз териб бердилар. Машина терими плани ортиғи билан бажарилди.

Юқори ҳосил учун кураш бутун йил давомида қизғин давом эттирилди. Ёқуб Сарибоев, Тошканбой Темиров, Олимжон Маликов, Абдували Биминов, Соғинбой Эсонбоев, Одилжон Эргашевлар бошлиқ бригадаларимизда ҳар гектар ердан 42 центнергача «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Шуниси ҳам қувончлики, пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди.

Дала гвардиячиларимиз узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилганликларини мамнуният билан қайд қиламиз. Эргашали Маҳкамов, Ашур Абдурахмонов, Турсун Алдашев, Иброҳим Ҳошимов, Рўзиохун Тўхтаев, Пўлат Тожибоев ва бошқа механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳар бири мавсумда машиналар бункеридан 140 — 150 тоннадан дурдона тўкдилар. Теримчиларимизнинг ҳаммалари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Биз тожик мусобақадош дўстларимиз билан ҳамиша ҳамкорлик қилиб келяпмиз, ютуқларимизни ўртоқлашяпмиз, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Мусобақадошларимиз билан имзоланган шартномага мувофиқ хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам баравар ривожлантиришимиз, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Амалда шунга эришяпмиз. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

Давлатга пилла сотиш йиллик плани 131 процент ado этилди. Ҳар қути қурт уруғидан 82 килограммдан «кумуш тола» териб олиниб, тайёрлов пунктига 27 тонна аъло нав пилла етказиб берилди. Шунингдек, пландаги 890 тонна ўрнига 1.215 тонна дон сотилди. Сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планлари ортиғи билан бажарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотларни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада белгиланган 10 ойлик планлар анча ошириб бажарилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, йил охиригача давлатга пландаги 1226 тонна ўрнига 1400 тонна сут топширилади. 111 тонналик гўшт тайёрлаш топшириғи 141 тонна қилиб бажарилади. 150 минг дона ўрнига 175 минг дона тухум сотилади. Бундай дейишимизга тўла асос бор. Чорва молларининг катта туркуми бўрдоқи ва сўқимга боқилмоқда. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 425—450 килограммга етказилди. Эртаиндин семиз қорамоллар саралаб олиниб, тайёрлов ташкилотларига топширилади ва йиллик план муддатидан илгари бажарилади.

Олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Чорва қишловини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказмоғимиз, қиш фаслида ҳам маҳсулотларнинг камайишига йўл қўймаслик чораларини кўрмоғимиз керак.

Келаси йилги мўл пахта ҳосили учун курашни шу кунларданоқ кучайтиришимиз керак. Далаларимизда 16 ҳайдов трактори икки сменада ишлатилди. Ҳар бир трактор билан 6 гектардан 10 гектаргача ер чуқур шудгорланди. Ўғитлар жамғариш жадал давом эттириляпти. Ирригация-мелиорация тармоқларини тозалаш ва тартибга келтириш ишлари авж олдириляпти. Бир сўз билан айтганда, қиш фаслида келаси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилди. Тожик дўстларимиз билан анъанавий социалистик мусобақамиз қизғин давом эттирилиб, янги зафарларга эришилади.

Усарбой ЖЎРАЕВ — Ўзбекистон ССР, Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси, Жумабой СОИБНАЗАРОВ — партия комитети секретари, Жўра ЗИЁЕВ — бош агроном, Насриддин МИРЗАЗОЕВ — ферма мудири.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Мусобақадош ўзбек дўстларимиз билан учрашувларнинг бирида ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам давлатга планда белгиланган пахтани етказиб бераміз, социалистик мусобақа шартларининг тўла бажарилишини таъминлаймиз, деб келишиб олдик. Ўша кезларда йил қандай келиши, об-ҳаво қандай бўлиши номаълум эди. Лекин мусобақаласувчи ҳар икки томон ғалабага комил ишонч билан аҳдлашиб олди. Биз шунда она-Ватанга 9.000 тонна пахта етказиб берамиз дедик.

Шундай қилиб, она-Ватанга 9.000 тонна «оқ олтин» етказиб бердик. Халқ хўжалик плани 101 процент ado этилди. Машина теримида ҳам дурустгина кўрсаткичга эришилди. Мўйдин Хўжаев, Ғафур Жалилов, Саидмўмин Ҳолиқов, Раҳматулла Маматқулов, Йигитали Мамажоновлар бошлиқ пахтачилик бригадаларининг аъзолари ҳар гектар ердан 46 центнергача хирмон кўтардилар.

Колхозимизнинг пахтачиликдан бошқа тармоқларига кўз ташлайлик. Йиллик ғалла топшириқ плани 165 процент ado этилди. Хўжалигимиз ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган донни етарли миқдорда жамғариб олди. Кузги дон экиш топшириғи ортиғи билан бажарилди.

Чорвадорларимиз билан сабзаватқорларимизнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Ишлаб чиқариш планига мувофиқ 1.700 тонна сабзавот тайёрланиши керак эди. Экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 2.100 тонна сабзавот маҳсулотлари тайёрланди ва давлатга сотилди. Хўжаликнинг бундай маҳсулотларга бўлган талаби тўла қондирилди. Халқимиз йил — ўн икки ой юқори сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминланяпти.

Биз ўтган йилнинг бошидаёқ ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини камида 430 килограммга етказиб ғўштга топшириш мажбуриятини қабул қилган эдик. Амалда эса 450—460 килограммга етказилди. Қўйларнинг семизлик даражаси ҳам кўтарилди. Шундай қилиб, колхозимиз тайёрлов ташкилотларига 577 тонна юқори сорт ғўшт топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

Социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши ҳақида ўзбек дўстларимиз билан ахборотлар алмашиб турамиз. Ғўза парвариши кезларида бир-биримизга ўзаро текшириш бригадалари юборамиз. Натижасини танқидий тарзда кенг муҳокама қиламиз. Орадан анча фурсат ўтгач танқидий мулоҳазалар қандай амалга оширилганини яна текширишдан ўтказамиз. Бир сўз билан айтганда, мусобақани ташкил қилишда расмиятчилик ҳолларига йўл қўймаймиз. Айниқса партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлайдилар. Хўжалигимизда мусобақа ғолиблари меҳнатларига яраша рағбатлантирилиб борилади.

Сигирлар сони кўпайтириляпти, зоти яхшиланяпти. Чорва комплексидаги барча ишлар машиналар, механизм-агрегатлар ғарданига ортиляпти. Ем-хашакдан фойдаланиш яхшиланяпти, унинг самарадорлиги кўтариляпти. Ҳар бош сигирдан согиб олинган сут бир йилда ўртача 250—300 килограмм кўпайтирилди. Колхозимиз истеъмолчиларга 2.530 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, катта зафарга эришдилар.

Шу кунларда бутун куч, техника воситаларини ерларни ўғитлаш, шудгорлаш ишларига сафарбар этмоқдамиз. Ғўзапоядан тозаланган карталар минерал ва органик ўғитлар билан ўғитланиб, 40—45 сантиметр чуқурликда шудгорланяпти.

Ишимизда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Пахта ҳосилдорлигида кутилган даражага эриша олмадик. Баъзи бригадаларимизнинг кўрсаткичи хўжаликнинг умумий кўрсаткичидан паст бўлди. Бунга об-ҳавони баҳона қилиб кўрсата олмаймиз. Сигирлар маҳсулдорлигини ошириш борасида ҳали кўп иш қилмоғимиз даркор. Кадрларимизни курсларда ўқитиб, малакасини оширишимиз керак. Ўзбек дўстларимиз билан мусобақани янада кучайтириб, янги зафарларга эришамиз.

Асқарали МИРЗАЕВ — Тожикистон ССР Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Абдуллажон АЗИМОВ — партия комитети секретари, Мирзамурод КАМОЛОВ — бош агроном, Исроилжон ЧОРИЕВ — ферма мудири.

АХБОРОТ

МОСКВАДАН ХАТ

ЯНГИ ДУНЁ ЯРАТУВЧИЛАР

Москвадаги «Тасвирий санъат» нашриёти босмадан чиқарган рангли альбом «Янги дунё яратувчилар» деб номланган. Альбомда Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқининг босиб ўтган шонли йўли ифодаланган. Манзара, ҳайкалтаршлик ва чизмакашлик усталари, таниқли рассомлар бу альбомни яратишга катта ҳисса қўшганлар.

Альбом саҳифаларида И. Бродский, Д. Налбандян, Б. Иогансон, Н. Томскийларнинг Ленинномалари, А. Дейнекининг «Петроград мудофаси», П. Кривоносовнинг «Галаба», А. Герасимовнинг «Қурик», У. Тансиқбоевнинг «Қайроқкум ГЭСи», Ж. Умарбековнинг «Янги манзара», Л. Кербель ишлаган Гагарин портрети ва шунга ўхшаш 150 дан ортиқ ранг-баранг расмлар бор.

Ҳар бир расм, ҳайкал ва турли манзарага бағишланган ишлар тагига таниқли совет шоирларининг шеърларидан намуналар қўйилган. Булар альбом мазмунини яна ҳам бойитган.

СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛИДА

Қардош республика ва автоном область нашриётлари ўзбек адибларининг асарларини турли миллат тилларида нашр қилишни давом эттираётирлар.

Қардош халқлар тилларига яна ўнта ўзбек шоирининг асарлари таржима қилинди. Улардан бири Киев шаҳридаги «Рядянский писменник» нашриёти чоп этган Ғафур Ғуломнинг шеърлар тўплами китоб магазинларида сотила бошланди. Молдавиянинг «Литература артистикэ» нашриёти А. Мухторнинг «Чинор» асарини чоп этди. Вильнюсдаги «Вага» нашриёти Т. Пўлатнинг «Мени ўрмонга чорла» китобини босмадан чиқарди. Минскда эса «Мастацкая литература» нашриёти Н. Сафаровнинг «Қўрган кечирганларим» асарини китобхонларга тақдим этди.

МОСКВА ЭКРАНЛАРИДА

Москвадаги «Тошкент» кинотеатрида «Узбекфильм» маҳсулоти «Қандай ажойиб йилларимиз» номли янги фильм премьераси бўлди. Икки дўстнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильм томошабинларда катта таассурот қолдирди. Фильм пойтахтнинг «Ашхобод», «Зенит», «Перикоп», «1-Май» каби кинотеатрларида ҳам намойиш қилинади.

С. КОСТИРКО.

«Ташплодоовошч» улгуржи-чакана моллар бирлашмасининг коллективи шаҳарликларни йил бўйи юқори сифатли сабзавот, ҳўл мева ва картошка билан таъминлаш вазифасини кўйган. Бу соҳада ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилидаёқ анча яхши натижалар қўлга киритилди. Суратларда: «Ташплодоовошч»нинг иккинчи комбинатида карамларни тайёрлаш ҳамда учинчи комбинатнинг ходимлари М. Тошпўлатова, Б. Икромова ва М. Қоражоновалар картошкаларни жўнатиш учун саралаётган пайтлари акс эттирилган.

А. Ванштейн фотолари, (ЎзТАГ).

САНЪАТ ЙЎЛИДАГИ ЖАСОРАТ

Москвада балерина, хореограф, ҳайкалтарош Лина Пога бағишлаб очилган едгорликмузей кўргазмасининг экспонатлари санъатдаги ҳақиқий қаҳрамонона ҳаётни акс эттиради.

Л. Понинг ижодий ҳаёти балет саҳнасида бошланди ва 30-йилларнинг ўрталаригача унинг номи мамлакатда машҳур эди. Лекин у ғоир касалликдан кейин 1934 йилда кўзи ногирон бўлиб қолди. Шунда артистка умидсизликка тушмай, бутун мардлиги, иродаси, куч-қувватини ишга солиб, ёшлигидаги ҳунари — ҳайкалтаршликка қайтди. Машҳур рассом М. Нестеров унинг пластилиндан ясалган дастлабки ҳайкалчаларини кўриб: «Сиз ҳайкалтарош бўлиб етишасиз!» деди.

Шундай қилиб бу ажойиб аёлнинг иккинчи ижодий ҳаёти бошланди. Унинг асарлари ҳаётга қизғин меҳр-муҳаббат, қувонч, табассум билан тўлганди. Бу санъатда қилинган ҳақиқий жасорат эди ва уни Николай Островскийнинг жасорати билан тенглаштиришлари тасодифий эмасди.

У балетга бағишлаган композицияларининг яхши бўлиши табиий ҳол эди. Чунки ҳайкалтарош ҳаётининг энг яхши йиллари балет билан боғланган эди. Эндиликда шу ҳайкаллар мамлакатнинг кўпгина музейларида сақланмоқда.

Лина По яратган портретлар кишини айниқса қойил қолдиради. Булар орасида энг машҳурларидан бири А. П. Чехов портретидир. Айтишларича, портрети ёзувчининг хотини О. Книппер-Чехова кўриб, ҳеч нарса демай йиғлаб юборган: унинг олдида худди тирик Чехов тургандек эди.

О. НЕЗЛОБИН,
ТАСС мухбири.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА ИШЛАЁТГАНЛАР

Камсув Янгиқўрғон районида ўнта артезиан қудуғи қазишни ниҳоясига етказган республика яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмасига қарашли Наманган механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи ўзининг социалистик мажбуриятидаги асосий бандни муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари деярли ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Областнинг 13 та колхоз ва совхозида 100 километрдан ортиқ узунликда водопровод линияси ўтказилди, 73 та артезиан қудуғи қурилди. И. Абдуллаев, М. Тошхўжаев, В. Гомельчук, Х. Хўжабеков ва Ф. Бекмамбетовларнинг бригадалари 1982 йил ҳисобига ишлай бошладилар.

КИШ ТАШВИШЛАРИ

ШАҲАР МАВЗУИДА

Кейинги йилларда Нукус шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарди. Юзлаб кўп қаватли уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда саноат корхоналари, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Т. Г. Шевченко номли Нукус Давлат университети, ўндан зиёд илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа маданий-маиший объектлар мавжуд.

Нукуслиқларга коммуналмаиший хизмат кўрсатиш қандай аҳволда? Қишга яхши тайёргарлик кўрилганми? Шу саволлар билан қатор ташкилотларга мурожаат қилдик. Кўпдаб кишилар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Уларнинг истаклари битта: шаҳарда сув масаласини зудлик билан ҳал қилиш лозим. Ана шундагина Нукуснинг санитария ҳолати ҳам яхшиланади. Қиш ҳам яхши ўтади.

— Нима учун Нукусда сув таъминоти яхши йўлга қўйилмаган? — сўрадик шаҳар «Водоканал»ининг бош инженери Б. Полвониёзовдан.

— Аҳолининг талаби ҳақли талаб. Ёз, куз ойларида учинчи қаватдан юқори қаватларга, ҳатто иккинчи қаватга ҳам сув кўтарилмайди. Чунки шаҳарнинг жанубий қисмидаги саноат корхоналари ўз эҳтиёжлари учун водопровод сувидан фойдаланадилар. Бунинг устига сувни фильтрлайдиган иншоот 24 минг кубометр сувга мўлжалланган. Бу эса меҳнаткашлар эҳтиёжига мутлақо жавоб бермаётир.

1979 йилда 50 минг кубометр сувни фильтрлайдиган иншоот қурилиши бошланган эди. Ҳамон қурилиш ишлари ўлда-жўлда бўлишига асосий-ускуналарнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу масалада шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ж. Абдумуродов ўртоқлар Узбекистон ССР Коммунал-хўжалик министрлигига телеграмма юбориб, шу масалада ёрдам сўрадилар. Лекин министрликдаги ўртоқлардан шу кунгача ҳеч қандай садо чиқмаётир.

Шаҳар уй-жой, коммунал хўжалик бошқармасига қарашли 2 та ЖЭК бор.

— Биринчи уй-жойдан фойдаланиш идорасига 244 та уй-жой қарайди. Ушбу идорага қарашли ўндан ортиқ уй-жой биноси сел-ёмғирдан зарар кўрган эди. Лекин уларни ремонт қилиш ишлари қониқарли эмас. Бошқа уйлар ҳам капитал ва жорий ремонт талаб бўлиб қолган. Баъзи уйларнинг подъездларидаги эшик ва ойналар яроқсиз ҳолга келган.

Иккинчи уй-жойдан фойдаланиш идорасига қарашли бинолар ҳам ремонт талаб бўлиб қолган.

— Ўтган йили қиш мавсумида 21-микрорайондаги 10-Б, 22-, 5-Б, 6-А, 25-, 15-уйлардаги кўпгина хоналар яхши исимади, — дейди 2-ЖЭК инженери С. Оқилбеков.

— 1969 йилдан буён 25-уйнинг 32-хонасида яшайман, — дейди О. Мадреимова. — Шу йиллар мобайнида квартирамиз кўнгилдагидек ситилганини эслай олмайман.

— 1972 йилдан 6—Б уйнинг 24-квартирасида, 4-қаватда яшайман, — дейди З. Ихлосова. — Уйимиздан чакка ўтади. Чакка ўтган заҳоти комиссиялар, назоратчилар келиб, бир неча варақ акт тузиб кетишади. Лекин акт тузилганидан ҳеч қандай наф кўрганим йўқ. Ҳар йили бошимдан чакка ўтиб ётади.

Нукусда ер ости сувлари анча юзалиги ҳам иссиқлик линияларининг нормал ишлашига ҳалақит беряпти. Бунинг учун «Нукускоммунтеплоэнерго» корхонаси ертўлалардаги қувурларни изоляция қилиш ишини бошлаган эди. Лекин бу ишлар ҳам ҳамон поёнига етказилмаётир. Темир йўл вокзали ёнидаги қозонхона ишга туширилди. Лекин иссиқлик ўтказувчи трубалар тозаланмаганлиги учун уйлар яхши исимаётир. 21-микрорайондаги иссиқлик ўтказадиган қувурлар сув тагида ётибди.

Қиш бошланди. Уй-жойларни, корхоналарни, маданий-маиший, болалар муассасалари бинолари яхши иситилиши учун шошилинч чора ва тадбирлар кўриш зарур.

Шаҳар партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари қишки тайёргарлик ишларини яна бир марта кўздан кечириб, ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир корхона, муассасанинг қишни намуналли ўтказишга эришишларини назорат қилишлари, ишлаб чиқилган барча тадбирларни тўла амалга оширишлари лозим.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

„ОЧИЛ ДАСТУРХОН“

Фельетон

Совхоз директори Ҳасанбой Мақсудов ферма мудири Абдуқаҳҳор Содиқовга мўлтайиб боқаркан, хазин овозда деди:

— Кеча катта бир йиғилишда «Совхозингиз сут топширишни кун сайин камайтириб юборяпти, фермага тузукроқ эътибор берасизми-йўқми?» деб роса пўстагимни қоқишди. Қарасам, ҳамманинг кўзи менда. Бирдан ғурурим қўзиб кетса бўладими! Шартта ўрнимдан туриб: «Сут топширишми? Мана, кўрасизлар, юз эллик фоиз қилиб бажармасам, Ҳасанбой отимни бошқа қўяман!» деворибман. Зал ғала-говур бўлиб кетди. Керилиб, у ёқ-бу ёққа қараб қўйиб, жойимга ўтирдим. Лекин, ваъдани беришга бериб қўйдим-у, бажаришнинг йўлини ахтариб, туни билан мижжа қоқмай чиқдим. Эҳ, қани энди ўша «очил дастурхон» деган мўъжизакор нарса бўлса-ю, юзимни ёруғ қилсам...

Ферма мудири Абдуқаҳҳор Содиқов директор томон аста эгиларкан, сирли шивирлади:

— Очил дастурхон мана, ёнимизда, фермонингизни кутиб турибди. Буюринг...

Директор жаҳл билан қўл силтади:

— Сен шайтонга дарс беришга қодирсан, буни биламан. Лекин, сутга келганда номеринг ўтмайди. Ўнлаб тонна сутни муҳайё қилиш осон эканми?

— Осон! Мен уддаламайдиган иш бор эканми? Фақат сиз рухсат берсангиз бас. Ҳа, айтмоқчи, менинг «очил дастурхон»им сут планингизга эмас, қисир қолиб кетган сигирлардан бузоқ олиш планларини ҳам бажаришга тайёр. Агар «Очил!» деб буюрсам борми, фермаларимиз қўшимча неча ўнлаб туёққа-ю, ҳамёнингиз пулга тўлиб кетади... Агар гапларимга ишонмасангиз, мана, бош ветеринария врачимиз Абдулҳақ Аминовдан сўранг.

— Мудиримиз ғоят тўғри гапни айтдилар, — тавозе билан бош эгди бош ветврач.

Директор оғзини кулгидан йиғиштиролмай қолди. Кейин у рўпарасида қўлларини кўкрагига қўйиб турган мудир билан бош ветврачга оҳиста сўзлади:

— Икковинг ҳам укамдексанлар, сенларга ишонаман. Ишқилиб, «очил дастурхон»нинг сири очилиб қолмаса бўлгани!

— Хотиржам бўлсинлар! — дик этиб ўринларидан туришаркан, бир овоздан ҳитоб қилишди шоввозлар.

Ферма мудири А. Содиқов совхоз директорига ҳақ гапни айтган экан. У ваъдасига амал қилиб, «очил дастурхон»ни шунақаям ишга солиб юбордики, унинг карроматларидан директорнинг оғзи ланг очилиб қолди. Қанақа карамат экан у, дейсизми? Мана, қулоқ солинг. Юқорида қайд этилганидек А. Содиқов совхознинг сут плани «очил дастурхон» ёрдамида бажарилади, деган эди. Шундай бўлди ҳам. Бунинг учун уддабурон мудир совхознинг 31 бош қорамолини Бағдод, Риштон, Қўқон бозорларида 18.750 сўмга соттирди-да, унга магазинлар ва бошқа жойлардан 2.869 килограммдан кўпроқ сарёғ олдирди. Кейин эса яна устомонлик билан уни 77.857 килограмм сутга айлантириб, «Мана, сигирларимиздан шунча миқдорда сут соғиб олдик» деб, бутун совхозга жар солди. Йўқ, иш жар солиш билан тугаб қолмади. Мудир бу сутни ўнлаб соғувчилар соғиб олди деб, буни ойлик табелларга ҳам қайд этиб, қариб уч минг сўмни силлиқкина чўнтагига солди. Кейин бундоқ ўйлаб қараса, сутга айлантирилган сарёғдан қолган пул ҳамон сумкасида турибди. Совхоз кассасига топширишга сираям раъйи бўлмади. Ўзиям унча-мунча эмас, 8.706 сўм-у 85 тийин! Шуни топширмасам, совхознинг мулки камайиб қолармиди деб, ҳамёнга урди.

Мудир қараса, унинг тутумлари директорга жуда-жуда хуш келяпти. Директор ҳам уни кўрди дегунча яйраб кетади. Шу боисдан ҳам анча дадил тортиб қолган ферма мудири 1978-79 йиллари «Ишчилар учун иссиқ овқатга ишлатилади» деб совхознинг икки бош сигирини сўйдирди-да, гўштнинг асосий қисмини бозорда пуллатиб, яна 1100 сўмлик бўлиб олди. Қараса, мушугини пишт дейдиган одам йўқ. Шундан кейин 5-фермадан икки бош новвосни, фельдшер Бердибоев орқали эса яна бир ғунажинни аллақаёқларга етаклаб кетиб, гумдон қилди.

Ферма мудири А. Содиқовнинг фаолияти айни гуллаб-яшнаган пайтда, яъни, саксонинчи йилнинг бошларида бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Совхоз директори Ҳ. Мақсудов уни зудлик билан топтириб келиб заҳрини сочди:

— «Очил дастурхон» билан овора бўлиб кетиб, ишни расво қилишингга бир баҳя қопти-ку! Нима бало, ревизор келиб, чорвани текшираётганидан хабаринг йўқми?

— Нега хабарим бўлмасин, хўжайин? Ревизор эмас, аммамнинг бузоги экан у. Қоғозларни роса титкилаб, мендан: «Хўш фалон бош қорамол қаерда?» — деб сўраб қолди. Мен унга: «Яйловда, ўтлаб юришибди» дедим. Яна бир оздан кейин «етмиш еттинчи йилнинг август ойида нега бирданига 10 бош қорамол тўсатдан ўлган?» деган саволни берди. Қаранг, гап иккаламиз тил бириктириб, 5.296 сўмга сотиб, пулини арра қилган моллар ҳақида кетяпти. «Ҳа энди, табиий офат туфайли ўлган-да, ука», — деб қўя қолдим. Бундан ташқари, қорамолларни яйловга ҳайдаш ва олиб келиш пайтида яна 13 бош қорамолни сотиб, 6.600 сўм пулни хазм қилиб юборганимни ҳам боплаб яшириб қолдим.

— Эпчиллигинг-ку дуруст-а, — сал юмшади директор. — Лекин ревизор халқи орасида қилган қирққа ёрадиганлариям бўлади. Молларга човут солиб турганимиз ишқилиб билиниб қолмасин-да...

— Бу томондан ташвиш чекманг, хўжайин. 1976 йилдан буён туғилмаган 43 бош бузоқни туғилди, деб ёзиб келяпман. Унча-мунча харажатларимизни ҳисобга олиб, шу моллардан 43 таси ноиложликдан сўйиб юборилди, деб. ҳужжатларни ҳам қотириб тўғрилаганман. Ветеринария врачимиз Аминов билан фельдшер Бердибоев укаларимиз яна битта тантилик қилиб, таг-туги билан йўқ 995 килограмм гўштни совхозга даромад қилиб юборишди.

— Яхши бўпти. Лекин, барибир, кўнглим хижил, — деди директор, — моллар туёғи сен айтганингдан кўра анча камайиб кетган. Бир чорасини топмасак, бўлмас.

Ферма мудири бармоғини чеккасига тираб, чуқур «ўй»га чўмиб кетди. Бир неча минутдан кейин у:

— Топдим! — деб хитоб қилди.

— Хўш!

— Гап бундоқ, — яна сирли шивирлай мудир. — Фермадаги энг йирик қорамоллардан 15—16 тасини шартта сотамиз-да, пулига бузоқ оламиз. Ҳар бош молга камида учтадан бузоқ келади. Қарабсизки, сих ҳам қуймайди, кабоб ҳам...

— Ақлингга қойил! —севиниб кетди директор. — Қани, тезда ишга кириш. Сара-сара моллардан 16 тасини сот. Тезроқ!

Юлдузни бенарвон ураётган А. Содиқов ҳаш-паш дегунча бу ишни қойил қилиб бажарди. 7.400 сўмга сотилган моллларнинг пули ёнига, бир неча кишига қарз ёздириб яна 400 сўм қўшидда, 7.800 сўм пулни кўтариб, директорнинг ҳузурига кирди.

— Мана, фермага барака киритадиган бузоқларнинг пули.

Совхоз директори Ҳ. Мақсудов негадир титраброқ пулни олди. Олди-ю, бағрига маҳкам босганча қайтиб уни столга қўймади. Худди шу алпозда уйига равона бўлди... Ҳа, текин луқма ширин татиб кетди.

Ҳурматли газетхон, биз Сизни Риштон районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозига ин қурган юлғичлар «фаолияти»нинг бир қисми билан таништириб ўтдик, холос. Агар уларнинг қилмишини айтаверсак, юлғичлар ҳақида романа китоб бўлиши мумкин. «Очил дастурхон»нинг эгаси, совхознинг Карл Маркс номли бўлими ферма мудири А. Содиқов қинғир ишларнинг тепасида туриб, совхознинг 308 бош қорамолининг бошига сув қуйди. Бу моллар пулга чақилганда роппа-роса 99.250 сўм бўлади. Шундан 10.043 сўмига сариёғ олиб, сутга айлантирилганини истисно қилганда ҳам, 97.451 сўмдан кўпроқ пулни икки ямлаб бир ютгани, бошқалар билан арра қилгани, совургани шундоққина сезилиб турибди.

Совхознинг собиқ директори Ҳ. Мақсудов эса, даста-даста пуллар олдида довдираб, тамоман эс-ҳушини йўқотди, виждон жиғилдонга айланиб кетди. У қаллоблик, кўзбўямачиликни касб қилиб олган А. Содиқовга ўғирлик учун кенг йўл очиб бериб, давлат мулкини талон-торож қилишига катта имкониятлар туғдириб берди. Совхознинг ветеринария фельдшери М. Бердибоев, бош ветврач А. Аминов, бош зоотехник Е. Сулаймонов ва бошқа бир қатор масъул ходимлар ҳам совхоз мулкини талон-торож қилишда бу нопок нусхаларни қўллаб-қувватлаб, жиноятга шерик бўлдилар.

Текин томоқ тешиб чиқади, деган гап ҳақ. Жиноятчиларнинг юзидаги ниқоб олиб ташланганида уларнинг ҳақиқий башараси кўриниб қолди. Энди давлат мулкини совурганлар жазоларини тортаверадилар-у, аммо шу талон-торожларга барҳам беришга даъват этилган область қишлоқ хўжалик бошқармаси ревизор экономисти Ҳ. Рустамовнинг «фаолиятн»га қандай баҳо бериш мумкин? Наҳотки, у совхоз фермасига қирон келтирган балохўрларнинг хатти-ҳаракатини вақтида пайқамаган бўлса? Хўш, район қишлоқ хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги чорвачилик мутасаддилигини олган масъул ходимлар, қанчадан-қанча мутахассисларнинг кўзлари қаёқда эди? Наҳотки, совхоздаги шунча талон-торожлар, «торт-торт»лар ҳақидаги гаплар район ташкилотлари раҳбарларининг қулоғига чалинмаган бўлса? Масаланинг шу томони кишини ўйлатиб қўяди.

М. МАҲМУДОВ,
Фарғона область суди раёсининг ўринбосари.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПЛАНЕТАЛАР БАҒРИДАГИ ОЛМОСЛАР

Уран ва Нептун қаърида олмос қатлами бор. Бу қатламнинг массаси Ернинг массасидан уч баравар кўп. Шу планеталар тош ядросини қуршаган газ қатламининг асосий ташкил этувчиси бўлмиш метанга катта босим ва юксак температура таъсирини ўрганиб чиққан америкалик олимлар шундай назарияни ўртага ташладилар. Газ қатламидаги босим 6 миллион атмосферага етади, температураси эса 7000 градусдан ошади.

РЕМОНТ МАШИНАСИ

Францияда темир йўлларни ремонт қиладиган универсал машина ишлаб чиқилди. У экскаватор, кўтаргич кран ва пармаловчи установка вазифаларини бажаради ва рельсдан 3,5 метр нарида чуқурлик 3 метргача борадиган хандақ қазий олади.

АВТОМОБИЛЬ РАДИОЛОКАТОРИ

Япон инженерлари ясаган автомобиль радиолокатори юраётган машиналар ўртасида хавфсиз масофа бўлишини таъминлайди. Автомобиль тезлиги йўл шероитлари йўл қўйдиганидан ошиб кетса, огоҳлантирувчи сигнал берилади.

ДАРАХТ КЕСИШ МАШИНАСИ

Швецияда электрон қурилма воситасида бошқариладиган дарахт йиқитузчи ўзи юрар ўрмаловчи машина ишлаб чиқилди. Бир киши бошқарадиган бу машина дарахтни арралаб қулатади, унинг шох-шаббаларини кесиб йиғади ва белгиланган узунликда хода кесади.

АЛАНГА ОЛМАЙДИГАН ЁҚИЛҒИ

Самолёт авариялaридаги ёнғинлар одатда ёқилғи бугларининг аланга олиши натижасида рўй беради.

Бундай ёнғинларга йўл қўймаслик учун АҚШда авиация ёқилғисига қўшиладиган полимер модда яратилди. Самолёт ерга бориб урилганида бу модда ёқилғи билан аралашади ва уни музлатиб қўяди, натижада буғ ҳосил бўлиш имконияти йўқолади. (ТАСС).

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Заряднага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 —Фильм-спектакль. 16.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.45 —Мультфильмлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Финляндия телевидениесининг программаси. 20.05 — Тенгсиз жанг. Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.05 — Адабий ўқиш. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.00 — Камалак. 11.20 — Концерт. 12.25 — Ҳайвонот оламида. 13.25 — Фильм-концерт. 14.00 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 15.45 — Концерт. 16.00 — Тўпли хоккей. Динамо (М) — Зоркий. 17.45 — Кундан кунга. Телеспектакль. 1-боб. 19.00 — Советлар ва ҳаёт. 19.30 —Концерт. 20.00 — Хоккей. Спартак — Кристалл. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. Спартак — Кристалл. Эдавр. 22.40 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 11.10 — Мультипанорама. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Концерт. 13.55 — Ўзбекистон спорти. 14.25 — Болалар учун фильм. 15.50 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 16.20 — Реклама. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Биргаликда шодон қадам ташлаймиз. 19.00 — Болалар учун кўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зардоб фронт. 22.20 — Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью. Бадиий фильм.

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

7 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. Профилактика муносабати билан «Восток» программасининг 7 декабрь кунги соат 9 дан соат 18.00 гача бўлган кўрсатувларини 5-канал орқали томоша қилинг. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Усмирлар ижоди. 10.35 — Ёнаётган дарахт. Бадиий фильм. 11.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.00 — Концерт. 12.40 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Сузиш бўйича СССР кубоги. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Телестадион. 18.30 — Сиз яратган боғ. 19.00 — Мультфильмлар. 19.15 — Д. Шостакович. I-квартет. 19.30 —КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.00 — Ёшлар ҳақида қўшиқлар. 20.30 — Ҳамма нарсадан азиз. Кинозпопея. I-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей, «Торпедо» — ЦСКА. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 — М. П. Мусоргский ижоди. 12.05 — АБВГДейка. 12.40 ва 13.40— Тарих. 13.10— Фан оламида. 14.10 — Социалистик халқ хўжалиги. 14.55 — Антуан Де Сент-Экзюпери. Ҳаёти ва ижоди. 15.40 — Умумий биология. 16.10 — Тарих. 17.00 —Шифокор экрани. 19.30 — Н. Лесков. Сартарош. 20.15 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ванюшининг болалари. Бадиий фильм. 23.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Бирга бўлсак ҳаммамиз. 18.40 —Партия турмуши. 19.00 — Ватанпарвар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Рамз Бобожон. Минг бир турна. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Пианиночилар Бутуниттифоқ конкурси якунлари. 21.30 — Время. 22.05 — Ғалабангиз билан дўстлар. 23.45 — Бугун оламда нима гап.

ТОШКЕНТ-II. 18.35 — Шифокор экрани. 19.05 — Олий математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Табрикларимизни қабул этинг. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

6 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янгра, созим. 9.15 — Табассум, 11.30 — Лирик қўшиқлар. 12.10 — Узбекистон ишчиси. 13.00 — Савдо ходимлари — чорвадорларга. 13.30 — Социалистик мусобақа илғорлари учун музикали программа. 14.00 — Чўлқувварларнинг меҳнат вахтаси. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.20 — Москва. Л. И. Брежнев. «Тикланиш». Ю. Каюров ўқийди. 19.45 — Сўнгги ахборот. 20.15 — Дам олиш ҳақида ғамхўрлик — биринчи даражали вазифа. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 —Музикали программа. 23.15 — Дам олиш концерти.

7 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 —СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 9.35 — Бахт ва меҳнат ҳақида қўшиқлар. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Қишлоқ мухбирлари ёзадилар. 14.00— Хўжалик ҳисоботи. 18.15 —Ёшлик. 19.25 — Лирик концерт. 20.30 — Москва. Л. И. Брежнев. Тикланиш. Ю. Каюров ўқийди, 2-қисм. 22.30 — Узбек қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: ихтиология ва гидробиология;

катта илмий ходимлар: энтомофаглар, ихтиология ва гидробиология (2 ўрин);

кичик илмий ходимлар: ихтиология ва гидробиология, энтомология.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси, 1-уй.

●

Н. А. СЕМАШКО НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КУРОРТОЛОГИЯ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

клиника бўлими даволашнинг физик методлар бўлимлари раҳбарлари (фан докторлари — 2);

даволашнинг физик методлари бўлимлари катта илмий ходимлари: гастроэнтерология группаси (фан доктори), гинекология группаси (фан кандидати);

ташкилий-методик бўлим кичик илмий ходими.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Хуршид кўчаси, 4-уй.

●

ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/XIда Тўйдан олдин томоша, 10/XIда Хизматингизга тайёрмиз.

●

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: физиотерапия, курортология ва даволаш физкультураси (медицина фанлари доктори, профессор);

кафедра доцентлари: клиниклаборатория диагностикаси ва биохимия, урология, 2-хирургия;

кафедра ассистентлари: 1-педиатрия, 2-педиатрия, хирургик стоматология.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Генрал Петров кўчаси, 51-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ тўқималар биофизикаси лабораториясининг мудири вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 5 январгача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси маъмурияти, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети меҳнат ветерани, 1951 йилдан буён КПСС аъзоси

Иқбол Йўлдошевна ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-93, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02386. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босм